У СССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Госкнижпалата УССР
1 6 АПР 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 84 (18.561). • Чоршанба, 1983 йил 13 апрель • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КОММУНИСТ ИБРАТИ

Буолма Жўраеванн тўқимачилар орасида билмайдиганн кам. Ҳамма унга эргашишга, ундан ўрнак олишга интилади. Бунинг боиси, энг аввало, мана, ўттиз бир йилдирки, унинг Тошкент тўқимачилик комбинатида узлуксиз меҳнат қилиб келаётганлигида ва меҳнат қилганда ҳам ташаббускорлик намуналарини кўрсатиб, план ва мажбуриятларни ҳамиша ортиғи билан бажариб келаётганлигидадир. Коммунист новатор корхонада кўп станокчилик ҳаракатининг ташаббускорларидан бири бўлиб, меҳнатдаги улкан муваффақиятлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. У ивановолик донгдор тўқувчилар Мария ва Евдокия Виноградовалар номидаги мукофотнинг лауреатидир. Ишлаб чиқаришда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш — Буолма Жўраеванинг ҳаётий позициясини белгилайдиган мезон ҳисобланади. У ёшларнинг меҳрибон мураббийси, онлапарвар инсон ҳамдир.

Сидқидилдан меҳнат қилиш, топшириларни ишга юксак масъулият билан ёндашиш, ташаббускорлик халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган юзлаб ва минглаб коммунистларга хос фазилатларни, улар КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, ўн биринчи беш йиллик ва унинг учинчи, ўзак йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун қизғин давом этаётган умумхалқ социалистик мусобақаси жараёнида ҳар қачонгидан яққол намоён бўлаётир. Коммунизм учун оташин курашчилар бўлган коммунистлар социал-сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида шахсий ибрат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар барча янги, илғор нарсаларнинг ташаббускорлари бўлиб чиқишаркан, айни замонда партиямиз илгари сураётган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашнинг бутун жараёнига катта таъсир ўтказишяпти, юксак онглилик, камчиликларга ва нуқсонларга нисбатан қатъиян муросасизлик намуналарини кўрсатишяпти.

Сурхон воҳасидаги «Шеробод» совхозининг бригада бошлиғи Ўскин Аҳмедовнинг ишларидан ким мамнун бўлмайди дейсиз!! Юксак бурч ва масъулият соҳиби бўлган бу тинib-тинчимас, айни пайтда бошқаларга тинчлик бермайдиган коммунистни область деҳқонлари ҳурмат билан «устоз» деб аташади. Унинг тажриба мактабини ўтаган неча ўнлаб пахтакорлар йил сайин ажойиб ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Уста пахтакорнинг ўзи эса меҳнатдаги алоҳида ибрати туфайли икки марта Ленин ордени билан мукофотланди.

Бугунги кунда коммунистнинг шахсий ибрати ҳақида сўз кетганда кўз ўнгимизда беихтиёр Чиноз районидаги Киров номли колхоздан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Китоб районидаги Навоий номли совхоздан КПСС XXVI съезди делегати, илғор бригададан қолоқ бригадага ўтиб, уни илғорлар даражасига олиб чиққан Гулсара Бобомуродова, Бухоро-1 локомотив депосининг машинисти Анатолий Максимович Ладик, Нурота районидаги Ленин номли совхознинг бош чўпони, партия XXVI съезди делегати Чўли Хўжақулов, Самарқанддаги «Труд женщины» каштачилик фабрикасининг чеварн Салима Луқмонова, «Ташсельмаш» заводидан токарь Юрий Иванович Степанов ва республикамиздаги турли корхоналар ва хўжаликларда меҳнат қилаётган бошқа кўплаб коммунистларнинг кундалик ҳаёти ва фаолияти гавдаланади.

Энг муҳими шундаки, юқорида номлари зикр қилинган ишлаб чиқариш новаторлари фақат меҳнат коллективлари олдида турган хўжалик вазифаларини бажариш соҳасидагина эмас, балки иқтисодий фаолиятда ва турмушда ҳам ташаббускорлик ва ижодкорлик намуналарини кўрсатиб келмоқдалар. Улар меҳнат коллективларидаги муҳитга соғломлик, одамлар кайфиятига кўтаринкилик бахш этувчилар бўлиб чиқмоқдалар. Новатор коммунистлар социалистик мусобақада ғиждонан, сидқидилдан иштирок этиб, ўз зиммаларига бошқаларга нисбатан юксакроқ мажбуриятлар қабул қилишаётгани ва уларни ҳаммадан кўра яхшироқ кўрсаткичларга эришган ҳолда бажаришга муваффақ бўлаётганликлари билан ҳам ҳамкасбларига меҳнатга коммунистик муносабат руҳини сингдиришяпти, уларда жонкуярлик ва ҳалоллик, принципиаллик ва қатъият каби фазилатларни камол топтиришяпти.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, бундай вазият фақат ўзининг сифат составини яхшилаш, партия сафларининг жипслигини кучайтириш, коммунистларнинг авангардлиги ва жангговарлигини, уларнинг меҳнат коллективларидаги таъсирини кучайтириш масалалари қунт билан ҳал этилаётган партия ташкилотларидагина вужудга келтирилиши мумкин. Зотан, партиямиз коммунистларнинг сиёсий-хўжалик ва маданий-маиший соҳаларда шахсан ибрат намуналарини кўрсатиб иш олиб боришларига эришиш тўғрисида ғамхўрлик қиларкан, барча бўғиндаги кадрларнинг сиёсий жиҳатдан етук ва юксак аҳлоқли, ишбилармон ва ташаббускор, ташкилотчи ва янгиликни дарҳол ҳис эта оладиган бўлишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бунн у жойларда принципиаллик ва талабчанликни оширишнинг, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришнинг, ижрони назорат қилиш ва текширишни такомиллаштиришнинг, ишдаги камчиликлар ва нуқсонларни очиб ташлаш ва бартараф этишнинг, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашнинг ишончли ва қудратли воситаси деб билади.

Коммунистик қурилишнинг олдинги марраларида бўлиш, инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашчиларнинг авангардида туриш — бу ҳамиша ишнинг муваффақияти таъминланадиган жойда бўлиш, қаерда кўпроқ уқув ва ирода, маънавий матонат ва чинакам ишчанлик маҳорати талаб қилинадиган бўлса, ўша жойда ҳозир бўлиш демакдир. Лекин ҳамма жойда ҳам ва ҳамиша ҳам айрим коммунистлар янгиликларни дарҳол пайқаб олишавермайди, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун баравар жон куйдиришавермайди. Қисқаси, бенстисно ҳамма коммунистлар ҳам доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори, юқори ва янада юқори кўтариш кераклиги тўғрисидаги даъватига амал қилишяпти, деб бўлмайди. Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. Расулматов яқинда «Правда» газетасида босилиб чиққан мақоласида қайд этганидек, бундай тоифадаги коммунистлар ўзлари бирор ташаббус билан чиқмагани у ёқда турсин, бошқалар таклиф қилган янгиликларнинг ҳам ҳаётга ўз вақтида татбиқ этилишига ҳалақит берадилар.

Биргина бу эмас. Айрим шахслар КПССга мансубликни бирон бир устунлик воситаси деб тушунадилар, раҳбарлик лавозимларини эгаллаб олгач, партия Уставига зид, коммунист деган номга мутлақо ёт хатти-ҳаракатлар билан шуғулланиб, ҳатто жиноятга ҳам қўл урадилар. Афсуски, КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорида яна бир бор таъкидланганидек, «партияга мансублик ҳеч қандай имтиёзлар бермайди, балки коммунистларнинг мамлакатда қилинаётган барча ишлар учун, социалистик қурилиш ва ижтимоий тараққиёт тақдири учун бирмунча юксакроқ масъулиятга эга эканликларини билдиради, холос».

Маълумки, коммунистлар ўзларининг авангардлик ролини қанчалик изчил ва тўлиқ бажарсалар партиянинг омма билан алоқаси шунчалик мустаҳкам ва самарали бўлади, унинг социал-сиёсий ва иқтисодий жараёнга таъсири ва раҳбарлик роли шунчалик ошади. Партия Марказий Комитети 1981 йилда Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг КПСС XXVI съездининг коммунистлар авангардлик ролини ошириш ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш борасидаги ишларини атрофлича ўрганиб, бу масаланинг умумпартиявий аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. Шу ҳақда қабул қилинган қарорда сергайрат, уддабурон ва ишни яхши ташкил этишга лаёқатли коммунистларни қолоқ участкаларга юборib туриш, уларга янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш вазифасини юклаш, уларни совет, касаба союз, комсомол ва меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотларига ишга юбориш йўли билан партиянинг жамият тараққиётига етакчилик ролини янада ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш кераклиги уқтирилади.

Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қила бориб, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, уларнинг коммунистик қурилишнинг турли жабҳаларида шахсий ибрат намуналарини кўрсатиб ишлашларига эришиш борасида муайян тажриба тўпладн. Кейинги пайтларда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳал қилувчи соҳаларида коммунистлар бошчилигида йирик-йирик тадбирлар амалга оширилмоқда, экономика ва маданиятни юксалтириш борасидаги кўрсаткичлар тобора яхшиланмоқда.

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифалари тобора мураккаблашиб, бутун жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳаракатга келтириш зарурати ҳар қачонгидан ҳам актуаллик касб этган бугунги кунда оддий шиорлар ва чақириқлар билан иш битмайди. Эндиликда коммунистларнинг энг оғир иш участкаларига қалб даъвати билан отланиши, бевосита амалий ишда сўз билан иш бирлигини ҳақиқатан ҳам исботлай билиши ҳар қачонгидан муҳимдир. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари коммунистларнинг марксча-ленинча назария асосларини чуқур эгаллаб олишларига, мамлакатимизнинг тўла ҳуқуқли хўжайинлари эканликларини тушуниб етишларига эришишлари зарур. Энг муҳими, коммунистларнинг ўзлари, ҳоҳ улар ишчи, ҳоҳ колхозчи ёки зиёли бўлсин, партияга мансубликни бирор имтиёзга эга бўлиш учун гаров деб эмас, балки жамият манфаатлари йўлида сўнгги нафасига қадар фидокорона хизмат қилишдан иборат юксак бурч, деб тушуниши ва шундай ҳаракат қилиши шарт. Ана шундагина у ленинчи Коммунистик партия сафига қабул қилинаётганида тантанавор тарзда берган ваъдасига, партия ишига садоқати ҳақидаги қасамига содиқ бўла олади.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ОДАМЛАР МЕҲРИ

Одамлар!

Қандай меҳрибон қалбли одамлар бор-а! Буни Довуджон ака яхши биларди. Унн комплекс звенога бошлиқ қилиб тавсия қилишганида иккиланиб турди. «Эплайсиз, тажрибангиз етарли, етмаса, биз бор, ёрдам берамиз», дейишди.

Мана, ўшанга ҳам анча йиллар бўлди. Довуд аканинг ярим умри далада. Яхшигина эплаяпти ишни. Лекин у звенони қабул қилиб олганда:

— Звеновой бўлгиси келибди-да, а! Тағин бармоғини тишлаб қолмасайди... — — деганлар ҳам бўлди.

Бу гапларнинг боиси ҳам бор эди, албатта. Унга топширилган звенода план муттасил бажарилмай қолар, одамларда ишга ҳафсала йўқолиб, айримлари бошқа участкаларга ўтиб кетарди.

Лекин «таъна»лар қанча тез айтилган бўлса, шунча тез йўқолди. Звено даласига янги универсал трактор кириб келди.. Экиш судралаётганидан зориқиб-нолишиб ўтирган коллективнинг кўзлари чарақлаб кетди. Одамларнинг руҳи кўтарилди. Ўша куниёқ барча майдонларга текис уруғ ташланди. «Тошкент» совхозидагина эмас, Поп агросаноат бирлашмасида дув-дув гап тарқалди: «Довуджон Одилов звеноси экишни бир кундаёқ тугатибди...»

— Ўша-ўша звеномиздан қут-барака аримайди, — дейди фахр билан Д. Одилов. — Хўжалик ўғит, сув, техника... бариндан қўллаб турди. Биз ҳам шунга яраша меҳнат қилдик. Пайкалларимиз ҳосилдорлиги икки баравар ошди... Бу йил мавжуд 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнерли ҳосилни кўзлаб турибмиз. Эришилаётган ютуқларимизда шубҳасиз, Холматжон Мамаюсупов, Акбаржон Кенжаев, Мўминжон Эшонов каби механизаторларимизнинг ҳиссаси катта. Бошда: «Эплайсиз, Довуд ака, тажрибангиз етарли, етмаса биз бор, ёрдам берамиз», деганлар ҳам шулар... Шуларнинг дўстлари, ака-укалари... Мен уларнинг ҳаммасини ҳамиша, ҳар жойда — нон-туз олдида, бир пиёла устида ҳақгўй, ҳақ тил билан, меҳр тўла дил билан эслаб ўраман. Улар ҳам мени...

Н. САЪДУЛЛАЕВ.

Суратда: Ленин орденли пахтакор Д. Одилов.

Ҳ. Ҳайдаров, Б. Юсупов фотоси. [ЎзТАГ]

МАРКС ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

БЕРЛИН, 11 апрель. (ТАСС). Бугун ГДР пойтахтида «Карл Маркс ва ҳозирги замон — тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш» мавзуида халқаро илмий конференция очилди. Конференция илмий коммунизм асосчиси Карл Маркс туғилган куннинг 165 йиллигига ва вафот этган куннинг 100 йиллигига бағишланган.

Ушбу халқаро илмий анжуманда барча қитъалардаги Коммунистик ва ишчи партияларнинг, революцион-демократик партияларнинг, миллий-озодлик ҳаракатларининг, социалистик, социал-демократик партияларнинг делегациялари қатнашмоқдалар. Конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Г. В. Романов бошчилигидаги КПСС делегацияси иштирок этмоқда.

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер конференцияни очиб, унинг иштирокчиларини самимий табриклади.

Бундан 100 йил муқаддам, деди у ўз нутқида, улуғ мутафаккир ва революционер Карл Маркс ҳаётдан кўз юмганида унинг дўсти ва жанговар сафдоши Фридрих Энгельс Карл Марксниг номи ва иши асрлар бўйи яшайверади, деб хитоб қилган эди. Кураш билан тўлиб тошган бизнинг суронли давримизда шу доҳиёна сўзлар тасдиқланиб турибди.

Карл Маркс ўз олдига дунёни тушунтириб бериш вазифасинигина эмас, уни ўзгартириш вазифасини ҳам қўйган эди. Ўша пайтдан бери дунё ҳақиқатан ҳам жуда зўр миқёсларда ўзгарди. Инсоният жамияти ҳаётининг ҳамма формалари мана шундай янгиланиши умр бўйи Карл Марксни нафрат билан таъқиб этиб юрган ва унинг вафотидан сўнг унинг таълимоти ҳаётий кучини сўндиришга беҳуда уринган кимсалар руҳида эмас, балки Карл Маркс руҳида революцион йўл билан содир бўлганлиги ҳозир очиқ-равшан кўриниб турибди.

Маркс барча мамлакатларнинг ишчилар синфига уларнинг ўз тарихий вазифасини — эски жамиятни ғўрга тиқиш ва инсон-инсонни эксплуатация қилишидан халос бўлган янги жамиятни барпо этиш вазифасини тушунтириб берди. Ишчилар синфи тарих ғилдирагини қатъият билан олга силжитаётган кучга айланди. Гитлеризмга қарши коалиция ўзининг асосий кучи Совет Иттифоқи бошчилигида Германия фашизми устидан ғалаба қозонганидан кейин дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлилар билан иттифоқ бўлиб, социалистик жамият қураётган ҳукмрон синф бўлиб қолди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида большевиклар партияси раҳбарлигидаги, Маркс билан Энгельс ишининг содиқ давомчиси Владимир Ильич Ленин раҳбарлигидаги Россия пролетариати шу йўлни очиб берди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг инсоният тараққиётига ҳар томонлама таъсири яққол кўриниб турибди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барпо этилганлигининг 60 йиллиги, Москвадаги тантаналарда кўпдан-кўп Коммунистик, социалистик, социал-демократик партияларнинг, революцион-демократик партиялар ва озодлик ҳаракатларининг намояндалари иштирок этганлиги Совет Иттифоқининг дунёдаги юксак обрў-эътиборини, унинг халқаро ишчилар ҳаракати ва барча халқлар учун зўр жозиба кучини таъкидлайди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Маркс, Энгельс ва Ленин таълимотининг ғалабаси бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов Карл Маркс таълимоти ва СССРдаги социалистик қурилишнинг баъзи масалалари тўғрисида яқинда эълон қилинган мақоласида бизнинг давримизда марксизмни ленинизмдан ташқарида ва ленинизмсиз мутлақо тасаввур этиб бўлмаслигини ҳақли равишда таъкидлади. Ленин ва у тузган Большевиклар партияси дунёнинг социал-сиёсий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган биринчи музаффар социалистик революцияга бошчилик қилдилар, деб ёзди у. Шу тариқа янги давр — ишчилар синфи, халқ оммасининг улуғвор зафарлари ва тарихий ғалабалари даври очилди. Шу тариқа Маркс яратган илмий социализм янги жамият қураётган миллион-миллион меҳнаткашларнинг жонли практикасига сингиб кетди.

Революцион ишчилар ҳаракати тинчликни сақлаб қолишни ҳамиша ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб билиб келган. Бу ҳаракат буржуазия бошлайдиган урушга қарши курашни социал тараққиёт йўлидаги кураш билан доимо боғлаб келган, деб уқтирди нотиқ.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари мухолифлик ва қуролланиш пойгаси сиёсатини ўтказиб, НАТОдаги ўз иттифоқчиларини ҳам шу сиёсатга боғлиқ қилиб қўйишга уриниб, очиқдан-очиқ империячилик мақсадларини кўзламоқдалар. Аввало, улар Совет Иттифоқидан ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлардан ҳарбий-стратегик жиҳатдан устун бўлиб олишга эришишни, шу тариқа халқаро майдонда ўзлари билганча хўжайинлик қилишни хоҳлайдилар, бу эса мутлақо пуч хом хаёлдир. Шу йўлда Вашингтон маъмурияти «Шарқдан хавф бор» деган сийқа гапни деярли ҳар куни такрорлаб турибди, ҳақиқатда бундай хавфнинг ўзи йўқ.

Биз муҳолифликни ва қуролланиш пойгасини кўзловчи империализм агрессив доираларининг кучайиб бораётган сиёсати қаршисида социалистик ҳамдўстликнинг мудофаа қудратини зарур даражада сақлаб туришни ўзимизнинг интернационал бурчимиз, деб биламиз.

Айни вақтда СССР, ГДР ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар тинчликни таъминлашда сезиларли, пухта силжишга эришиш учун куч-ғайратни аямаяптилар, доимо ташаббускорлик қиляптилар. Шу мақсадда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг Прага кенгаши ўзининг машҳур программасини ўртага қўйди. Бу программа ҳамма томонларнинг манфаатларини эътиборга олади, у қурол-яроғларни камайтириш ва қисқартиришга олиб бора оладиган йўллар тўғрисидаги халқаро мунозарани жонлантириб юборди, фойдали қарорларга келиш йўлларини кидириб топиш ва шу қарорларни рўёбга чиқаришнинг амалий элементи бўлиб қолди.

Биз Совет Иттифоқининг биринчи бўлиб ядро қуроли ишлатмаслик тўғрисидаги тантанали баёнотини бутун дунё учун сиёсий аҳамиятга молик қадам, деб ҳисоблаймиз ва бошқа ядровий давлатлар ҳам ўз зиммаларига мана шундай мажбуриятлар олишларини талаб қиламиз. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар тенглик, баб-баравар хавфсизлик принципига мувофиқ равишда қуролсизланиш юзасидан жуда таг-заминли тадбирлар кўришга тайёрдирлар. Американинг «биринчи бўлиб зарба берувчи» янги ядро қуролини Ғарбий Европада жойлаштириш хусусида НАТО тузаётган режаларнинг олдини олиш ядровий ҳалокат хавфини тугатиш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Биз Европани ядросиз зона деб эълон қилишдан иборат бўлган ва қитъамизнинг тинч келажагини гарантиялаб бераднган ҳақиқий «нуль қарори» тарафдоримиз.

(Давоми иккинчи бетда).

АҲОЛИ ТАЛАБ-ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРАЙЛИК

11 апрель куни СССР Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг мажлисида аҳолининг ёрма маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида гречиха дони ва тариқ етиштириш ҳамда харид қилишни кўпайтириш соҳасида СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан СССР Тайёрлаш министрлигининг тадбирлари кўриб чиқилди. СССР министрлари В. К. Месяц ва Г. С. Золотухин ахборот бердилар.

Қишлоқда якка тартибда ва кооператив уй-жой қуришни янада ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди

Комиссия СССРнинг тегишли министрлик ва идораларига, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясига минерал ўғит ресурсларидан самарали фойдаланишнинг тадбирларини амалга оширишни топширди.

(ТАСС).

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТЎЛҚИНЛАРИДА

⊙ ТОШКЕНТ

Республика пойтахтидаги А. Хўжаев номли пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи 16 апрелни зарбдор меҳнат куни деб эълон қилди. Шу куни корхона цехларида энг юксак унумдорликка эришишга аҳд қилинди. Тошкент пойабзалчилари меҳнат байрамида саккиз минг жуфт оёқ кийим ишлаб чиқаришга ваъда беришди. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси тежаб қолинган хом ашё ва иқтисод қилинган электр энергия ҳисобига тайёрланади.

⊙ ЖИЗЗАХ

«Госкомсельхозтехника» маҳаллий ремонт-механика заводининг илғор ишчилари — токарлардан Леонид Сороченко, слесарлардан Юсуф Маматқулов ҳамда электрослесарь Сергей Федотовлар ўз ҳамкасбларига мурожаат қилиб, уларни «Қизил шанбалик» кунида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга чақирдилар. Корхона коллективи бу чақириққа жавобан 16 апрель куни меҳнат зарбдорларига тенглашиб, 36 та автодвигатель ва электромоторни ремонт қилишга, 6 та грейдер пичоқлари ишлаб чиқаришга, 4 тонна темир-терсак тўплашга аҳд қилди. Корхона меҳнаткашларининг бир қисми эса шу куни территорияни ободонлаштириш билан машғул бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми социалистик мусобақада юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги, кўп йил ва самарали ишлаганлиги, Ўзбекистон ССР энергетикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун «Ўзбекгидроэнергострой» трести механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг бош энергетиги Дамирбек Талантович **Қосимбеков**, Ново-Ангрен ГРЭСи қурилиш бошқармасининг бош инженери Борис Михайлович **Ладанюк** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик»** фахрий унвони; «Тахиаташгидроэнергострой» қурилиш бошқармаси 5-қурилиш участкасининг бошлиғи ўртоқ Мўминжон Шукруллаевич **Бобожоновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвони; «Талимаржангрэсстрой» қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Иброҳим Абдиевич **Бердиев**; «Чарвакгэсстрой» қурилиш бошқармаси бошлиғи Ким Владимирович **Кручинин**, «Сирдарьягрэсстрой» қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи Готлиб Юлиусович **Мертин**, «Ўзбекгидроэнергострой» трести разрез қурилиши бошқармасининг бошлиғи Илёс Мирсаидович **Миржалолов**, «Чарвакгэсстрой» қурилиш бошқармасининг етиштерувчиси Мария Ивановна **Мосягина**, «Ўзбекгидроэнергострой» трести разрез қурилиши бошқармаси бетончилар бригадасининг бошлиғи Сайфиддин **Насриддинов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган винокор»** фахрий унвони берди.

«Ўзбекгидроэнергострой» трести ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Анвар Маҳмудович **Қосимовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СОВЕТ—БЕЛЬГИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

11 апрель куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг қисқача амалий визит билан Москвага келган Бельгия ташқи алоқалар министри Л. Тиндеманс билан музокаралари бўлиб ўтди.

Ишчанлик ва ошкоралик вазиятида ўтган музокаралар чоғида актуал халқаро проблемалар, шунингдек Совет—Бельгия муносабатларининг баъзи масалалари юзасидан батафсил фикрлашиб олинди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча халқаро проблемалар муҳокама қилинганида дунёдаги вазият хатарли равишда чигаллашиб кетганлигидан жиддий ташвиш билдирилди ва урушга йўл қўймаслик, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгаси янги даврасининг олдини олиш мақсадида катта ва кичик барча давлатлар зўр куч-ғайрат сарф лашлари зарурлиги таъкидланди.

Совет томони Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий декларациясида баён этилган таклифларнинг моҳиятини тушунтириб берди. Бунда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан НАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ҳамда ўз ўрталарида тинчлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги мажбуриятни шартнома-ҳуқуқий ҳужжатда рўёбга чиқариш ҳақидаги таклифга асосий эътибор берилди. Бельгияда бу таклифлар синчиклаб ўрганиб чиқилмоқда, деди Л. Тиндеманс.

Европада ядро қуролларини чеклаш проблемасига музокараларда алоҳида эътибор берилди. А. А. Громико Европада ва умуман дунёда вазиятни янада ривожлантириш нуқтаи назаридан Женевадаги Совет—Америка музокараларида тегишли ҳаракатлар ва эришишнинг муҳимлигини қайд этиб ўтди. Шу жиҳатдан у КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов олға сурган таклифларга эътиборни жалб қилди. Ана шу таклифлар Европа қитъасида ядро қуролларини чеклаш проблемасини бирон бир томоннинг хавфсизлигига зиён етказмай, адолатли асосда ҳал этиш йўлини очиб беради.

Айни вақтда Совет томони яна шуни таъкидладики, Женева музокараларида АҚШ тутаётган позиция ҳаддлашувга эришишга қаратилмаган бўлиб, Европада ва жаҳон миқёсида таркиб топган кучлар нисбатини бузиш мақсадини кўзлайди, бу эса СССР ва унинг иттифоқчилари учун аввал бошиданоқ номақбулдир. Бу гап «оралиқ варианти» деб аталмиш таклифга ҳам тааллуқлидир.

А. А. Громико умид билдириб айтдики, Бельгия мазкур проблемага ёндашувда вазминлик билан баҳо бериб, Европа хавфсизлигининг кенг кўламдаги, узоқ муддатли манфаатларига Европада ядровий қуролланиш пойгаси кучайишига йўл қўймаслик зарурлигига амал қилади.

Томонлар Хельсинкида бошланган Умумевропа жараёнини давом эттириш кераклигини ёқлаб гапирди. Мадрид учрашуви тез ва муваффақиятли тугалланиши ва унда Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирлари ҳамда қуролсизланишга бағишланган конференция чақириш тўғрисидаги қарорни ўз ичига олган сермазмун ва ҳамма томон учун мақбул бўлган якуновчи ҳужжат қабул қилинишнинг муҳимлиги таъкидланди.

Министрлар Совет—Бельгия муносабатлари умуман барқарор характерда эканлигидан мамнунлиги изҳор қилдилар.

* * *

А. А. Громико Л. Тиндеманс шарафига нонушта зиёфат берди, зиёфат вақтида қадаҳлар кўтариб нутқлар сўзланди.

Куннинг иккинчи ярмида Совет—Бельгия музокаралари ниҳоясига етказилди.

(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МЕНИКИ—ДЕМАК БИЗНИКИ

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ОЛИЙ ФАЗИЛАТИ ШУНДАЙ

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА КИШИЛАРНИНГ ЯНГИ БИРЛИГИ — СОВЕТ ХАЛҚИ ШАКЛЛАНДИ. ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ЖОНКУЯРЛИК ВА ФИДОКОРЛИК, ЎЗИНИ, В. И. ЛЕНИН СЎЗЛАРИ БИЛАН АЙТГАНДА, ЎЗ КОРХОНАСИНИНГ ХЎЖАЙИНИГИНА ЭМАС, БАЛКИ У ЕРДА БУТУН МАМЛАКАТНИНГ ВАКИЛИ ДЕБ ҲАМ ҲИС ЭТИШ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТЛАРГА ЙИЛАНДИ. ҚУЙИДАГИ САҲИФАДА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕҲНАТКАШЛАРНИ МАНА ШУ РУҲДА ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎҚИЙСИЗ.

КОЛЛЕКТИВ ОБРЎСИ

СОЦИАЛИЗМ МЕҲНАТГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРДИ. НОВАТОРЛИК ҲАРАКАТИ БУНИНГ ТИМСОЛИДИР

Граждан авиацияси Термиз бўлинмасида беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш учун ҳаракат оммавий тус олиб кетди. Коммунистик меҳнат зарбдори И. Галиманосов бу беш йилликдаги ўз шахсий топшириғини ўтган йилнинг декабрига етмай бажариб қўйди. Унинг изидан борган И. Шерхонов, М. Кандаков ўртоқлар шу кунларда 1985 йил ҳисобига меҳнат қила бошладилар.

Шу сингари муваффақиятлар ҳақида эшитганимда беихтиёр халқимизнинг ташаббус чашмалари, новаторлик ҳаракатининг манбалари хусусида ўйлаб кетаман. Кишиларга куч-қувват берган, уларни бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ, сифатлироқ, самаралироқ меҳнат қилишга руҳлантирган омиллар тўғрисида фикр юритаман. Ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканини англаш туйғуси, «меники» ва «бизники» тушунчаларини яхлит бир бутунликда ҳис этиш бу кишиларга куч-ғайрат бағишлаётган, уларни вақтдан ўзиб меҳнат қилишга ундаётган қудратли омиллардир. Шаҳримиз саноат корхоналарида, қурилиш участкаларида бошланғич партия ташкилотлари асосий эътиборни кишиларда мана шу ҳиссиётни тарбиялашга қаратмоқдалар Бу ишлар ўз самарасини бермоқда; албатта. Маҳаллий саноат фабрикасида О. Норова, Ш. Раҳимова, И. Азимова, нон комбинатида Х. Шоймардонова, Г. Қўзимуродова сингари ишчилар, автобазаларда А. Белов, Д. Латипов, Р. Хуметов, дарё портида О. Оразалиев, темир йўл депосида И. Бистрицкий сингари транспортчилар шу кунларда 1984—1985 йиллар ҳисобига меҳнат қилишяпти. Партия ташкилотлари новаторларнинг бугунги рекордини эртага бутун коллектив аъзолари учун оддий нормага айлантириш йўлида қизғин ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар. **Асосий эътибор кишиларнинг маънавий камолотига қаратилмоқда. В. И. Ленин таълим берганидек, уларни ўз заводининг хўжайини, ўзи бошқараётган машинанинг эгаси эканлигини ҳис этиш руҳида тарбиялашга қаратилмоқда.**

Шуни айтиш керакки, меҳнат коллективларида олиб борилаётган жуда катта сиёсий-тарбиявий ишлар, социалистик мусобақани авж олдириш борасидаги тадбирлар новаторлик ҳаракатини тобора кенг қулоч ёйдирмоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги ошмоқда, маҳсулот сифати яхшиланмоқда. Сўнгги бир йилда Термиз саноатчилари пландан ташқари 2 миллион 770 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Деярли 12 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Маълумки, **эскирган, орқада қолган, ҳаётнинг ўзи қадрсиз қилиб қўйган нарсалардан воз кечиб, янгиликни кенг жорий этиш новаторлик ҳаракатини кучайтиришнинг асосий йўлидир.** Биз партия ташкилотларининг эътиборини кадрларни янгиликни ҳис этиш руҳида, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштириш учун масъулият руҳида тарбиялашга қаратмоқдамиз. Бироқ, бу оддий, қисқа муддатли иш эмас, албатта. Одат бўлиб қолган, кишилар кўниккан нарсалардан воз кечиш осонликча содир бўлмайди. Мамлакат эҳтиёжи, халқ фаровонлигини ошириш манфаатлари тақозо қилар экан, биз ҳеч иккиланмай, янгиликни жорий этишимиз лозим. Бу новаторларни рағбатлантиришнинг, улар сафини ўстиришнинг асосидир.

Биргина мисол. Нон комбинатида планлар учма-уч бажарилярди. Ёпилган нонларнинг сифати пастлиги учун кишиларда ҳақли эътироз туғдирарди. Одамлар: «Нега бундай қилишади? Ахир ўзимиз учун ёпяпмиз-ку, шу нонларни?» — деб ранжишарди. Маълум бўлишича, айрим новвойлар ўз касбини қадрламас, ишни қўл учида бажарар экан. Табиийки, бу аҳволда сифатни яхшилаб бўлмайди. Кўпинча ҳамир қоришнинг ўзидан уч-тўрт минутни «тежаш» сифатнинг бузилишига олиб келган. Тобига етказилмаган хамир қолиплаш цехида шоша-пиша формага солиниб, пиширилаверган.

Шаҳар партия комитетининг бюроси ўшанда масалага синчковлик билан ёндашди. Бу камчиликнинг туб сабабларини илғаб олиб, уларни бартараф этишга киришди. Баъзи ишчилар планни бажариб, маошни санаб олиб, хотиржам юришлари, технология режимини бузиш фактлари билан кўникиб кетилгани аниқланди. Комбинат партия ташкилоти ишчиларни ўз касбига ҳурмат, жамият, жонажон шаҳар меҳнаткашлари олдидаги бурч масъулиятини чуқур англаш руҳида тарбиялаш билан кун сайин шуғулланмаган. Илғорларни, новаторларни моддий ва маънавий рағбатлантириш унутиб қўйилган.

Шундан кейин комбинатда бир қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, цехлар кенгайтирилиб, печлар газ билан ёритиладиган бўлди. Бир қатор ускуналар янгиланди. Масъулиятли участкалар ишчан, принципиал коммунистлар, янгиликка иштиёқманд новатор кадрлар билан мустаҳкамланди. Биргаликдаги ҳаракат тез орада ўз самарасини берди. Коллектив қолоқликдан чиқиб олди, муттасил уч квартал мобайнида кўчма Қизил байроқни қўлда сақлаб турди. Ўтган йили область «Меҳнат шуҳрати» китобига ёзилди. Лекин бу ютуқлар билан кифояланилаётгани йўқ. Ҳозир комбинатни тўла реконструкциялаш, 200—300 граммлик нонлар ёпишга ўтилмоқда.

Меҳнат коллективларидаги новаторлик ҳаракати кўп жиҳатдан экономикага раҳбарлик ва бошқарув механизмини такомиллаштиришга боғлиқ. Биз шуни ҳисобга олиб, пахта заводи, гўшт-сут комбинати партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг бу борадаги қарорлари қандай бажарилаётганини атрофлича ўрганиб чиқдик. Текшириш якунлари бюро мажлисида муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорда бригада пудратини жорий этиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив усулларини қўлланиш, реконструкция ишларини жадаллаштириш вазифалари илгари сурилди. Биргина пахта заводида юқори сифатли тола салмоғи 95 процентга кўтарилганлиги қабул қилинган қарорлар изчил бажарилаётганлигини кўрсатади.

Бироқ, партия ташкилотлари омманинг ижодий ташаббускорлигини, новаторлик ҳаракатини ҳамма ерда ҳам беш йиллик вазифаларини бажаришга оқилона йўналтира олаётирлар, деб айта олмаймиз. Кўпинча тарбиявий ишдаги нуқсонлар бунга асосий сабаб бўлмоқда Гоҳида ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришни таъминлаш учун ишнинг тарбиявий жиҳатидан кўра маъмуриятчиликка кўпроқ берилиш кўзга ташланмоқда. Раҳбар кадрлар меҳнат коллективларида сиёсий-тарбиявий ишни йўлга қўйиш билан изчил, собитқадам шуғулланаётирлар, деб бўлмайди. Шу туфайли кўпинча яхши-яхши ташаббуслар, починлар кенг ёйилмаяпти. Бу пировард натижада, меҳнат унумдорлигини бир маромда ошириш резервларини тўла ишга солишга ҳалақит бермоқда.

Биз шу сингари камчиликларни бартараф этиб, меҳнаткашларни ўз ишларига онгли, коммунистик муносабат руҳида тарбиялашни кучайтираверамиз. Кишиларда ўз манфаатини жамият манфаатлари билан, ўз турмуш фаровонлигини жамият фаровонлиги билан уйғунлаштириш фазилатларини тарбиялайверамиз. Бу ишлаб чиқаришда новаторлик ҳаракатини кучайтиришнинг, янги қувватларни жадал ва тўла ишга солишнинг, меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Ҳ. ТОЖИДДИНОВ,
Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

ЯКДИЛЛИК

Меники — бизнини демак. Совет кишиларининг мана шу ажойиб хислати ҳақида ўйлар эканман, коллективимизнинг илғор ишчилари кўз ўнгимда намоён бўлади. Чунки, қатрада қуёш акс этганидек, уларнинг актив меҳнат фаолиятлари замирида умумманфаат туйғуси намоён бўлмоқда.

Коммунист Н. Чубарева Барнаулдаги тўқимачилик комбинатидан коллективимизга қалб даъвати билан келган эди. У тўқув фабрикаси биринчи цехидаги кўп ёшларга тўқувчилик касбининг нозик сирларини ўргатди. Ўзи ҳамкасбларига намуна кўрсатиб, вақтдан ўзиб, ижодкорона ишлаш ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Чунки, у сифатли тўқилган ҳар бир метр газлама халқимизнинг фаровон яшаши учун хизмат қилишини яхши тушунади.

Комбинатимизда Н. Чубарева сингари ташаббускор коммунистлар жуда кўп. Тўқув дастгоҳларида М. Иноятова билан Е. Евтушенко, Н. Гажимуродова билан М. Файзираҳмонова, П. Когай билан Г. Гулмамедовалар ёнма-ён туриб, аҳил-иноқ, опа-сингиллардек, баракали меҳнат қилишмоқда.

Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп, дейди халқимиз. Бу корхонамиздаги ҳар бир ишчининг якдиллик билан меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва илғор иш тажрибаларини жорий қилиш асосида яхши меҳнат натижаларига эришаётганлигида яққол кўринмоқда.

В. ГУБИНА,
Бухородаги КПСС XXVI съезди номли тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари.

МУСОБАҚА—РАҚОБАТ ЭМАС

ФАҚАТ ЎЗИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ, ОБРЎ-ЭТИБОРИНИ ЭМАС, БОШҚАЛАРНИНГ, БУТУН КОЛЛЕКТИВНИНГ, БУТУН МАМАЛАКАТНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ ЎЙЛАЙДИГАН КИШИГИНА СОЦИАЛИСТИК ТАРБИЯ ТОПГАН КИШИ, ЖОНКУЯР КОММУНИСТДИР

Мусобақадошим билан дастлабки танишган пайтларим ҳали-ҳали эсимда. Ҳарбий хизматдан қайтганимда йиғим-терим тугай деб қолган эди. Ўшанда Эргаш Зиябоевнинг номи илғор механизаторлар қаторида тез-тез тилга олиб турилар, одамлар у ҳақда ҳурмат билан гапиришар эди. Бир сўз билан айтганда, Эргаш ака эл-юрт назарига тушаётган эди.

Қалбимда бу одамга нисбатан ҳавас, ҳурмат уйғонди. Ҳарбий хизматдан сўнг ишга киришар эканман, зимдан Эргаш аканинг меҳнатини, ютуқларини кузатиб юрдим.

Кейинги мавсум бошланиши арафасида бўлимимиз территориясида совхозимиз механизаторларининг слёти, техника кўриги ўтказилди. Мени техникани кўрикдан ўтказувчи комиссияга аъзо қилиб қўйдилар. Кўрик пайтида қўшни бўлим механизатори Эргаш Зиябоевнинг «зангори кема»сини алоҳида қизиқиш ва синчковлик билан кўздан кечирдим. Тўғриси, шундан сўнг ҳамкасбимга бўлган ҳурматим яна да ортди. Ниҳоят, шу куни унга кўпдан бери дилимга тугиб юрган истагимни билдирдим:

— Сиз билан мусобақалашиб ишласам, — дедим.

Сўзимни тинглар экан, тажрибали механизатор менга синчиклаб разм солди-да, очиқ чеҳра билан деди:

— Жуда яхши. Мен ҳам сизга ўхшаган очиқ, мардона беллаша оладиган йигитларни қидириб юрган эдим. Келинг, мусобақалашайлик.

Биз қўл олишдик. Ўша йили мен мусобақанинг завқли ўтида тобланиб, мавсумда 190 тонна пахта тердим. Бу терим мавсумларида қўлга киритган энг юқори кўрсаткичим эди. Шу-шу ўзаро меҳнат баҳси кишига қандай куч-қудрат бера олиши мумкинлигини чуқур ҳис этдим. Кейинчалик тўрт қаторли машиналарда мавсумда 300—310 тоннадан пахта тердим. Меҳнатим туфайли коллективимиз аъзоларининг ҳурматини қозондим. Коммунистлар мени ўз сафларига қабул қилишди.

Энг муҳими, **мана шу жараёнда ўзимни ягона коллективнинг аъзоси, мана шу далаларимиз, машиналаримизнинг хўжайини, эгаси деб хис қила бошладим. Бу хиссиёт кучимга куч қўшди. Ҳар бир ишда коллектив учун фойдали бўлишга интила бошладим.** Мана ўн йилдирки, Эргаш Зиябоев менинг мусобақадошим. Ўртадаги муносабатларимиз йил сайин мустаҳкамланиб, камол топиб бормоқда. Мен мусобақадошимнинг меҳнатдаги ютуқларини, шахсий ҳаётидаги ўзгаришларини диққат билан кузатиб бораман. Бирор янги, яхши хабар эштсам, қувонаман. Бордию жим бўлиб кетса, устозимни қидириб қоламан. Уни тез-тез кўриб, турли масалалар бўйича фикрлашгим келади.

Ғўзага дастлабки ишлов бериш пайти эди. Мусобақадошим меҳнат қилаётган бригада коллективи чигитни барвақт экиб, яхши кўчат олганидан хабардор эдим. Дастлабки культивацияни бошлашдан олдин Эргаш аканинг даласига бордим. Суҳбат орасида у киши культиватор ишчи органларини қандай жойлаштирганини кўздан кечирдим. Устозимнинг ишига ич ичимдан ҳавасим келди. Шу борганда кўрганларим ўз бригадамизда ишни яхшилашда кўп фойда келтирди.

Биз йил—ўн икки ой далада бўламиз. Ер ҳайдаймиз, чигит экамиз, ёзи билан экинларга ишлов бериб, ҳосилни етилтирамиз. Аммо йиллик меҳнатимизнинг ҳақиқий натижаси пахта териш пайтида кўринади, шу мавсумда эришган натижаларимизга қараб ишимизга баҳо берилади.

Ўтган йили августда доимий анъанага кўра совхозимиз «зангори кема»ларини техника кўригидан ўтказиш пайтида учрашиб, яна ўзаро фикрлашдик. Кейин мен мусобақадошимдан:

— Бу йил қанчаданга беллашамиз, Эргаш ака? —деб сўрадим.

У киши бироз ўйланиб турди-да:

— Менимча, 200 тонналик маррани кўзлаб иш бошласак, чакки бўлмас, — деди.

Бу маслаҳат менга ҳам маъқул тушди. Иккимиз яна қўл олишдик. Аммо ўтган куз ниҳоятда оғир келди. Буни ҳамма яхши билади. Айниқса, механизаторларнинг омади чопмади. Шу жумладан менинг ҳам. Эргаш ака меҳнат қилаётган Толип Жўраев бригадаси деҳқонлари баҳордаги тадбиркорликлари туфайли ҳосилни барвақт пиширдилар. Йиғим-теримни уч-тўрт кун деганда ниҳоясига етказишди. Бу ютуқда ажойиб мусобақадошим Эргаш Зиябоевнинг ҳиссаси жуда каттадир. Тажрибали механизатор бу сафар ҳам ўзининг кимлигини кўрсатди, 190 тонна пахта терди.

Биз бўлсак кўп жойларда қайта чигит экишга мажбур бўлдик. Натижада ҳосилимиз бироз кеч етилди. Теримга ҳам кеч киришдик. Шу туфайли мусобақадошим мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ отни қамчилаб кетди. Мен асло қувиб етолмадим, мавсумда пахтани 145 тоннадан ошира олмадим. Мусобақадошимни ғалаба билан чин қалбдан табриклядим, албатта.

Хулоса шуки, **меҳнатдаги мусобақа — рақобат эмас, коллективнинг муваффақиятини, бинобарин, жамият фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ҳалол беллашув, мардона кураш воситасидир.** Баъзан ҳаётда шундай ҳоллар учрайди: икки донгдор механизатор ёки бригадир ўзаро мусобақалашишади. Лекин қилаётган ишларини бир-бирларидан сир сақлайдилар. Тажрибаларини бир-бирларига сездирмасликка уринадилар. Натижада йиллар ўтгани сари ўртада чинакам мусобақа ўрнига кишини бир-биридан ажратиб қўйдиган нохолис рақобат пайдо бўлади.

Бу ўринда **бошланғич партия ташкилотлари жуда хушёр туришлари, мусобақага раҳбарликнинг янги-янги форма ва методларини усталик билан қидириб топа билишлари керак.** Мусобақадошларнинг қалбларида, дунёқарашларида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда? Уларнинг бир-бирларига бўлган ҳурмат-эътибори, ўзаро муносабатлари қандай? Масаланинг ана шу томонларини эътибордан қочириш асло мумкин эмас.

Вақт ўтиши билан одамлар ўзгармоқда, иш методлари такомиллашмоқда. Кимки ўз даври билан бирга қадам ташлай олмас экан, бундай жойда юксак натижаларга эришиш қийин. Бригада пудрати кенг жорий этилаётган ҳозирги пайтда бунинг аҳамияти ғоят катта. Мусобақа жараёнида одамлар камол топади, улардаги энг яхши хислатлар, умумийлик фазилатлари яқ қол намоён бўлади. Биз муваффақиятларимиз гарови— мусобақани чинакамига жонлантиришимиз, унинг маънавий тарбиядаги ролини кучайтиришимиз керак.

М. МАМАТМУСАЕВ,
Боёвут районидаги А. С. Пушкин номли совхозининг 2-бўлими механизатори, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори.

Республикамиз пойтахтидаги «Ташкенткабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси ишчиси Умар Йўлдошев (чапда) ва участка мастери, партия аъзоси Рустам Алимовлар иш топшириқларини виждонан адо этишлари билан ҳурмат қозонганлар. Улар ўзлари меҳнат қилаётган коллективларнинг меҳнат муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

УМУММАНФААТ ТУЙҒУСИ

ҲАМКОРЛИК, ЎРТОҚЛИК, ЎЗАРО ЁРДАМ, КОЛЛЕКТИВИЗМ ТУЙҒУЛАРИ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗНИНГ ҚОН-ҚОНИГА СИНГИБ КЕТГАН

Айни шу фазилатлар кишиларимизнинг маънавий оламини бойитиб, улуғвор вазифаларни бажаришга даъват этмоқда. Мен «Атлас» бирлашмасида анча йиллардан бери ишлайман. Шогирд эдим, устозлардан иш ўрганиб, эндиликда мураббийлик даражасига етдим. Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Мамлакатимиз новатор ишчилари бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан майдонга чиқишганда ҳамкасбларим М. Мўйдинов, А. Еқубов, Л. Ашуровалар билан бирга бир беш йилликда ўн уч йиллик нормани ада этишга қарор қилган эдик.

Бу—қуруқ шиор эмас, виждон амри эди. Турли резерв ва имкониятларни ишга солишни назарда тутиб, шу қарорга келган эдик. Ўтган ойлар ва йиллар режаларимиз ҳақиқатга айланиб бораётганини кўрсатар эди. Шахсан менинг ўзимга келсак мамлакатимизнинг шонли юбилейи арафасида беш йиллик шахсий нормамни ада этдим ва ўн биринчи беш йилликда ўн уч йиллик эмас, балки ўн тўрт йиллик нормани бажаришим мумкин эканлигини англадим. Ҳозир шу мақсадга эришиш учун бутун куч ва ғайратимни сарфлаяпман.

Гапнинг сирасини айтганда, ишдаги натижаларим чакки эмас. Хўш, бошқалар қандай ишлаяпти? Ҳамма ҳам ўз имкониятини тўла ишга соляптими? Минутларнинг қадрига етмай, соатларни бой бермяптими? Бу саволларга тўла маънода ижобий жавоб бериб бўлмайди. Смена топшириқларини бажариш билангина чегараланиб қолувчилар йўқ эмас. Сафимизга эндигина қўшилган, тажриба ва малакаси етарли бўлмаган ишчилар ҳам бор. Ана шундай кишиларни албатта пешқадамлар сафига олиб чиқиш керак деган хаёл менга сира тинчлик бермасди. Бу фикрни цех партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларида ҳам баён қилдим. Кўпчиликнинг орзу-ўйи бир ердан чиқди. Шу тарика цехимизда, қолаверса, бутун фабрикада мураббийлик ҳаракати кенг қулоч ёзди, резерв ва имкониятлардан фойдаланиш бирмунча яхшиланди.

Кўпчилик пуфласа бўрон туради. **Якка-ёлғиз кишиларнинг эмас, ҳамманинг бригаликдаги ҳаракати билан бутун коллективнинг меҳнати баракали, салмоқли ва қувонарли бўлади. Кишининг шахсий манфаати жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетгандагина энг самарали натижалар беради.** Менимча шу мақсадга эришяпмиз.

Сўнгги йилларда етти нафар ёш ишчига касб-ҳунар ўргатдим. Бугунги кунда улар фабрикамиздаги энг илғор тўқувчилар билан беллашиб меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда синглим Мунаввархон билан ёш ишчи Муборак Қосимова тўқувчилик сир-асрорларини ўргатяпман. **Касбкор сирларини ўргатиш, ularда ўз орзу истагини жамият вазифалари билан уйғунлаштира олиш фазилатини, умумманфаат туйғусини шакллантиришни ўзимнинг партиявий бурчим деб биламан.**

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, сифат ва самарадорликни ошириш йўлидаги тадбирларимиз ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, цехимиз ҳозиргача планга қўшимча деярли 15 минг метр маҳсулот ишлаб чиқарди. Бригадамиз пландаги 26 минг 678 ўрнига 35 минг 374 метр маҳсулот ишлаб чиқариб, олдинги ўринлардан бирини эгаллади.

Бригадамиздагина эмас, цехимизда, бутун фабрикамизда социалистик мусобақа қизғин тус олиб бораётгани, янги-янги ишлаб чиқариш илғорлари майдонга чиқаётгани қувончли албатта. Бугунги кунда Т. Алижонов, А. Эргашев, Д. Қосимов, Б. Тилаболдиева, Ю. Мақсудова, О. Йўлдошев каби ишчиларнинг номи тез-тез тилга олинаётир. Улар ўзларининг новаторларча меҳнатлари билан коллективимиз обрў-эътиборини оширмоқдалар.

М. КАРИМОВА,
Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқимачилик фабрикасининг тўқувчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

ЧЕЧАН БАРМОҚЛАР

ЖАМИЯТ ШАХСНИ КАМОЛ ТОПТИРАДИ, ШАХС ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛАДИ

Дов-дарахтлар ортидан баҳор қуёши ярқираб чиқиб кела бошлади. Назирахон кўзларини қуёшдан олиб, янаям ildам юриб кетди. Бирлашма дарвозасига етиб келай деганда, бўйи хиёл баланд, оқ сариқ, ораста қизга кўзи тушди. «Мақсуда опамку! Нега тўхтаб қолдийкин? Балки, менда иши бордир?» — ўйлади у, қадамини ildамлатиб.

Улар суҳбатлашиб махсус устахона тамон юриб боришкан, Назирахон ўйга чўмди: «Мақсуда опам ҳам табиатан Ҳанифа опамга, устозимга ўхшайдилар. Самимий, дилкаш, киши кўнглидагини дарҳол сезиб олади. Энди эса менинг ҳам шогирдларим бор, демак, мен ҳам устозман».

Энди «Госкомсельхозтехника» Олтиариқ район бирлашмасининг иккинчи махсус устахонаси пахта териш аппаратлари барабанларини ремонт қилувчи бригадасининг илғор ва тажрибали слесари Назирахон Нажимова халқ депутатлари Фарғона область Советининг депутати, меҳнаткашларнинг халқ ҳокимиятидаги мухтор вакили. У —коммунистик меҳнат зарбдори, топшириқларни ҳамиша 120—130 процентдан бажармоқда.

Цехда икки ҳамкасб ажралишди. Назирахон ўзи меҳнат қилаётган барабанлар йиғув цехига жўнади. Унинг бугунги ишига барака тилаб қолган Мақсуда Жалилова кўчалик уст-бошини алмаштирмаган ҳам эдики, коридорда бир гуруҳ қизларнинг жарангдор кулгилари эшитилди. Узелларга ажратилган пахта териш машиналари аппаратларини созлаш, бўяш ва қайта йиғиш участкаларига автоматик равишда олиб борувчи поток конвейерлар ишга тушди.

— Ҳорманг, Мақсудахон, аҳволлар қалай?

Ишга берилиб кетган бригадир бошини кўтарди. Рўпарасида терим машиналари аппаратларини йиғиш участкасининг мастери Мавжудахон Абдулҳаева кулиб турарди. У—Мақсуданинг илк устози. Бундан олти йил муқаддам ёшгина қизалоққа темирларни «даволаш» сирларини ўргатган. Ҳозир деярли олий маълумотли мутахассис, яқинда инженер-механиклик касби бўйича институтни тугаллайди.

Бригадир устози билан самимий саломлашди. Сўнг гапга тутинди:

— Ишларимиз жойида, Мавжуда опа, лекин, битта нарсани ҳисобга олмаганда, — Мақсуданинг ҳозиргина қувонч барқ уриб турган юзлари бир оз сўлиш олди, — «деффектовка»дагилар жуда имиллашяпти. Узелларнинг камчиликларини илдамроқ кўриб беришса жуда соз бўларди...

Ўн йилдан бери ишлаётган тажрибали мастернинг кенг пешонаси хиёл тиришиб, қошлари чимирилди:

— Юринг-чи?!

Устоз ва шогирд устахонанинг ичкариси томон одимлаб кетишди.

Қисмларга ажратилган аппарат узелларининг камчиликларини аниқлаб берувчи участка мутахассислари ўз айбларини қисман бўйинларига олишди. Гап орасида аппаратларни қисмларга ажратадиган участкада иш суст бораётганлигини қиқириб ўтишди.

Шунда Мақсуданинг кўнгли негадир хижил тортди. Чунки аппаратларни қисмларга ажратувчи участкадаги бригадаларнинг бирига шогирди Ҳанифахон Тўхтаева раҳбар эди-да. «Шпинделларни ремонт қилиш бригадасини тарк этиб, оғир участкага ташаббус билан ўтганига ўн кун бўлди. Қийналиб қолдимикин? Бўлиши мумкин. Аммо, Ҳанифахон қийинчиликлардан чўчийдиган қизлардан эмас. Ахир, ишга келган даврининг иккинчи йилиёқ унга бутун бир бригада ишонib топширилган эди-ку».

— Мавжуда опа, келинг, Ҳанифанинг ҳолидан ҳам хабар олайлик.

— Мен ҳам шуни ўйлаб турувдим, — деди М. Абдулҳаева. Кейин ҳазил аралаш қўшиб қўйди: — «Мен боламни десам, болам болосини дер», —экан-да!

Иккаласи бараварига кулиб юборишди.

Ҳанифахон устахона партия ташкилотининг секретари, устози Мақсудахон Жалилованинг ҳам, Олтиариқ районидаги «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси ташаббускор ремонтчи слесарь-қизларнинг илк сардори Мавжудани ҳам қувонч билан қарши олди. Ҳанифанинг юзларида ўз ишидан мамнунлик, ғурур барқ уриб турарди. «Меҳмон»ларнинг кўнгли бир оз жойига тушди.

— Очиғини айтсак, —деди устозларига Ҳанифа Тўхтаева,— аввалига анча қийналдик. Оғир участка эмасми, барабанлардаги чўткаларни ушлаб турган болтларни юмшатишга унча уқувимиз етмади. Кеча буни назарда тутган мутахассислар болтларни юмшатишни анча осонлаштирадиган махсус ключларни ясаб беришди. Бугун ўнтага яқин аппаратлар қисмларини узелларга ажратишни мўлжалламоқдамиз...

Устоз ва шогирдлар қизғин суҳбатлашишарди. Улар бундан ўн йил аввалги аҳволни эслашди. Ўшанда бундай оловқалб, йигитлардек қарчиғай қизлар қайда эди? Ўшанда устахонада тайёр шпиндел етишмай, аппаратлар кунлаб йиғилмай қолиб кетган пайтлар кўп бўлган. Энди-чи? Ҳозир устахонада 25 минг дона қайта ремонт қилинган шпиндел запаси бор. Асосан, қизлардан иборат тўртта бригада ишлаб чиқаришнинг энг қийин участкаларда эркаклар билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда.

Кечагина икки-уч нафардан иборат ташаббускор ремонтчи қизлар сафи ҳозир 50 нафарга етди. Айтмоқчи, шпинделларни ремонт қилиш бригадаси бошлиғи Маҳфират Қодирова илгари куни яна икки шогирдни ишга қабул қилдик, деяётганди. «Уларнинг ҳоли не кечдийкин?...».

Устозлар ҳунар-техника билим юртини битириб келган Ҳайитхон Усмонова ва Маҳфиратхон Маллаеваларнинг ишига разм солишди. Улар, дадил ва чаққон ҳаракат қилишяпти. Бу ҳол устозларнинг кўнглини қувонтириб юборди...

Хотин-қизлар. эндиликда фақат шпинделларни ремонт қилишдагина эмас, аппарат қисмларини узелларга ажратиш, чўткали барабанларни ремонт қилиш ва йиғишдек масъулиятли иш участкаларида ҳам фидокорлик кўрсатишмоқда. Ташаббускорларнинг ажойиб меҳнат самаралари нафақат Олтиариқ, балки Жиззах ва Сирдарё мардумайдон чўлқуварларининг ҳам пахтачиликдаги ажойиб муваффақиятларига қанот бўлмоқда.

С. МАҲМУДОВ,
Т. АЗИЗОВ,
Фарғона область, Олтиариқ районн.

МАРКС ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

(Боши биринчи бетда).

Биз ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги Женева музокаралари да СССР тутаётган ва ижобий натижаларга эришишга қаратилган йўлни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Шу мақсадда Ю. В. Андропов жаҳон жамоатчилиги ҳамма жойда бажонидил маъқуллаган таклифларни ўртага қўйди, бу таклифлар кўпгина кишиларни, хўш, АҚШ шу пайтгача ўтказиб келган бемаънилик йўлидан қачон воз кечади ва амалий аҳдномаларни ишлаб чиқишда қачон қатнашади? — деган саволни тобора қатъият билан беришга ундади.

Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ўрнини ола биладиган бошқа оқилона йўл йўқ. Кескинликни юмшатиш сиёсати ядровий халокатнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўлидир. Биз ўз масъулиятимизни, айниқса, яхши англаб турибмиз, чунки бизнинг мамлакатимиз бевосита социализм билан капитализм ўртасидаги, Варшава Шартномаси билан НАТО ўртасидаги чегара чизиғида жойлашган.

ГДР, деди Э. Хонеккер, бахтиёрлик мавқеида турибди, чунки у Совет Иттифоқи билан ва ҳамдўстлигимиздаги бошқа мамлакатлар билан қардошларча иттифоқ бўлиб ўз йўлидан бормоқда. Бу мустаҳкам иттифоқ мана, салкам 35 йилдан бери муваффақиятларимизнинг асоси бўлиб келмоқда ва бу иттифоқ бизнинг мустаҳкам истиқболларимизни таъминламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. В. Зимянин** конференциядаги нутқини «Маркс таълимоти яшаётган ва ғалаба қозонмоқда» деган мавзуга бағишлади.

М. В. Зимянин доҳий мутафаккир, илмий социализмнинг асосчиларидан бири, ишчилар синфининг интернационал иши учун улуғ курашчи, немис халқининг шонли фарзанди — Карл Марксга бағишланган конференцияда қатнашишга таклиф қилганлиги учун ГБСП Марказий Комитетига КПСС делегацияси номидан самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Энг қийин синов — ҳаёт синовидан зафар билан ўтган марксизм инсоният онгида ўзининг олий маънавий мулки сифатида мустаҳкам қарор топди.

Фикрларнинг мунтазам ва изчил системасидан, яхлит таълимотдан иборат бўлмиш марксизмда табиат, жамият ва тафаккур ривожининг энг умумий қонунлари, дунёни революцион тарзда ўзгартириш қонунлари баён этилган. Бу таълимотни ишлаб чиқишда Маркснинг улуғ сафдоши ва дўсти Фридрих Энгельс жуда фаол иштирок этди.

Маркс билан Энгельснинг баҳодирона фаолияти туфайли социализм утопиядан қатъий илмий назарияга айлантирилди, ишчилар синфи эса, ўзининг жаҳоншумул тарихий вазифаси тўғрисидаги тушунча билан қуролланти-рилди.

Маркс социалистик дунёнинг туғилишини кўришга мушарраф бўлмади. Улуғ Октябрь инсоният тарихида янги давр бошланганидан дарак берди. Ҳозир Ер курраси аҳолисининг учдан бир қисми капитализм зулмини улоқтириб ташлаб, Маркс неча ўн йиллар пардаси орқали аниқ-равшан кўрган янги, социалистик қонунларга мувофиқ ҳаёт қурмоқда. Гарчи капитализм ўз инқирозини бир оз орқага суришга муваффақ бўлаётган эсада, бу тузум ўзига хос антагонизмлардан халос бўлишига қодир эмаслиги тобора ойдинлашмоқда. Аксинча, у мана шундай антагонизмларни тобора қалтис шаклларда қайтадан кўпайтирмоқда. Синфий душманларимиз нима дейишларидан қатъи назар тарих Маркс башорат қилган йўлдан ривожланмоқда.

Марксизм назарияси ва практикасини ривожлантиришдаги янги давр, коммунистик идеаллар учун курашдаги улуғ ғалабалар Владимир Ильич Ульянов-Ленин номи билан боғланган.

Ленинизм, деди сўзини давом эттириб М. В. Зимянин, Россияда туғилди. У Россиянинг революцион тақдири билан, Россия пролетариатининг эҳтиёжлари ва вазифалари билан, унинг Большевистик партияси қаҳрамонона зафарлари билан чамбарчас боғланган.

Ленин турли-туман ревизионистларга ва оппортунистларга қарши курашда марксизмни ҳимоя қилиб ва қатъиқ туриб қўриқлаб, унинг асосида янги тарихий шароитларда ишчилар ҳаракати, меҳнаткашлар оммаси, бутун инсоният олдида пайдо бўлган янгидан янги саволларга жавоблар ишлаб чиқди.

Владимир Ильич Ленининг сўнмас хизмати мана шундан иборат. Бу хизмат шу қадар улуғдирки, биз ленинизмни тўла асос билан ҳозирги даврнинг марксизми, дея оламиз, ўз революцион таълимотимизни ҳақли равишда марксизм-ленинизм деб атаймиз.

Ҳозирги даврнинг характери ва қонуниятлари тўғрисидаги энг асосий назарий хулосалар ленинизмда мужассамлашган.

Ленин Марксниг пролетариатнинг жаҳоншумул тарихий роли тўғрисидаги таълимотини ҳозирги даврга татбиқан ривожлантирганлиги шу кунгача ҳам демократия ва социализм учун кураш давомида ишчилар синфининг гегемониясини амалга ошириш билан, синфий иттифоқлар ва аввало, пролетариатнинг деҳқонлар билан иттифоқи стратегиясини ишлаб чиқиш билан, социалистик қурилишда ишчилар синфининг етакчилик ролини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни ҳал этишнинг негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ленин социализм қуриш йўллари тўғрисида яратган илм унинг таълимотининг ҳақиқий чўққисидир. Бугина эмас, Ленин шу илмни амалга оширишга бошчилик қилди.

Бугун босиб ўтилган йўлни якунлар эканмиз, худди Ленин айтганидек, биз социализмни Маркс таълимотига мувофиқ, Марксниг янги жамиятни ташкил этиш моҳияти ва асосий принциплари тўғрисидаги хулосаларига таянib қурдик, деб тўла ҳуқуқ билан такрорлай оламиз.

Мамлакатимизда социализм қуришга киришилган пайтда партия аввалги ривожланишнинг бирон-бир тажрибасига таяна олмаган эди.

Сирасини айтганда, бу — жуда қийин иш бўлди, айниқса, эски дунё ичкаридан жон-жаҳди билан қаршилик қилиш билангина чекланмади. Империализм дипломатик ва иқтисодий қамаллар исканжасида, қуролли интервенцияни ҳам ишга солиб, социализмни бўғиб ташлашга бор кучи билан интилди. Фашистларнинг агрессияси мамлакатимиз учун жуда оғир синов бўлди. Совет халқи мана шуларнинг ҳаммасига бардош берди, социалистик тузумни, ўз мустақиллигини ва озодлигини ҳимоя қилди, бошқа халқларни асоратдан ва қиришлиг кетишдан омон сақлаб қолди.

Ривожланган социализм босқичи — социал тараққиётнинг ҳозирги кундаги олий поғонасидир. Бу жамиятда социализм Маркс сўзлари билан айтганда ўз яхлитлигига эришади.

Марксизм-ленинизмнинг социализм шароитидаги миллий муносабатларнинг характери тўғрисидаги асосий ғоялари ҳам тасдиқланмоқда. Реал тарихий жараён айни Маркс башорат қилганидек давом этаётганлигини бугун кўриб турибмиз.

КПСС янги жамият қурилишидаги қийинчиликлар, камчиликларни ва ҳал этилмаган масалаларни, XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида совет халқи олдида пайдо бўлаётган янги вазифаларни равшан тасаввур этмоқда. «Шу вазифаларнинг ҳаммаси комплекс тарзда олинадиган бўлса, уларни ривожланган социализмнинг такомиллашуви дейиш мумкин, — деб таъкидлайди ўртоқ Ю.В. Андропов. — Бизнинг мамлакатимиз узоқ давом этадиган шу тарихий босқичнинг бошланғич даврида турибди, бу босқичнинг ҳам ўз даврлари, ўсиш поғоналари бўлади».

КПСС етук социализмнинг имкониятларини, ҳозирги халқаро вазиятнинг хусусиятларини ҳар томонлама чамалашга асосланиб, совет жамиятини янада олға силжитиш стратегиясини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Биз халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изига ўтказишни ниҳоясига етказишимиз, бутун хўжалик механизмини тегишли тарзда қайта қуришимиз, совет экономикаси ичи-фан билан ишлаб чиқаришнинг бирлашувини, ижодий фикр билан ижодий меҳнатнинг мустаҳкам иттифоқини тўла-тўкис мужассамлаштирадиган бўлишига эришишимиз лозим. Партия СССРнинг Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини айни шу позицияларда туриб ишлаб чиқди.

Социал программалар иқтисодий ўсиш негизида доимо кенгайиб бормоқда, Маркс, Энгельс, Ленин коммунизмнинг олий мақсади деб атаган инсон шахсини ҳар тарафлама камол топтириш, янги инсонни тарбиялаб вояга етказиш учун шарт-шароитлар яхшиланмоқда.

Ишчилар синфи билан бутун халқнинг синалган авангарди, ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан бениҳоя зўр жипслашган партиямиз, Ленин таълими билан айтганда, халқ оммасининг коллектив устози, раҳбари ва йўлбошчиси бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу йил ўзининг 80 йиллигини нишонлаётган партиямиз халқнинг ҳозирги ва келажакдаги манфаатлари тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги билан, коммунизм идеаллари учун, меҳнат аҳлининг тинчлиги ва бахт-саодати учун изчил кураши билан халқ ўртасида юксак обрў ва ишонч қозонди.

Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар ҳарбий қарама-қаршилик даражасини пасайтиришга эришиш, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик асосида реал қуролсизланишни таъминлаш учун, халқларни ядровий уруш хавфидан халос қилиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг олтмиш йиллиги» тўғрисидаги докладида, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Прага Сиёсий декларациясида шу мақсадларга эришишга қаратилган янги, жуда муҳим амалий ташаббуслар кўтариб чиқилди.

Маркс, Энгельс, Ленин васиятларига садоқатли партиямиз жаҳон революцион жараёни турли отрядларининг, империализмга қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг курашига ҳар томонлама кўмаклашишни ўз бурчи деб билади. Ҳамиша бўлганидек, ҳозир ҳам пролетар интернационализми принципи мана шу кучларни жипслаштириш имконини берадиган ишончли принцип бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Марксча-ленинча тушунчадаги пролетар, социалистик интернационализм ҳозир, аввало, социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини таъминлаш, барча социалистик мамлакатларни жипслаштириш, социализмнинг тарихий ғалабаларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзловчи активнишиш олиб боришни билдиради. Ўз-ўзидан равшанки, бунда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослигини тўла-тўкис эътиборга олиш, бир-бирининг суверенитети ва манфаатларини ўзаро ҳурмат қилиш лозим.

М. В. Зимянин сўзининг охирида бундай деди: биз совет коммунистлари бошқа мамлакатлардаги ўртоқларимиз ва маслакдошларимиз каби келажакка комил ишонч билан қарайміз. Бизнинг давримиз марксизмга мисли-сиз ғалабалар келтирди, марксизм-ленинизм ғояларининг қудратли, революцион ўзгартирувчи куч бўлиб қолди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Республикализ бўйлаб

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ—АМАЛДА

Ҳашар йўли билан

● Қорақўл районидаги Ленин номли колхозда 10 гектарлик теплица қурилиши жадал олиб борилмоқда. Теплица ҳашар йўли билан қурилаётир. Кўплаб қиммати баланд колхозчилар бўш вақтларида бу ишда астойдил қатнашмоқдалар.

Пистазорлар

● Боботоғ ўрмон хўжалиги ходимлари бу йил 300 гектар майдонга хандон писта экишди. Яшил бойлик ижодкорлари илиқ-иссиқ келган кунлардан унумли фойдаланиб, бу ишни ўтган йилдагидан бир ой илгари тамомладилар. Янги пистазорлар Ҳазратбобо, Чагам, Дўғова, Файзова сингари олис участкаларда ташкил этилди. Айни вақтда аввал ташкил қилинган пистазорларнинг хаталарига ҳам қўшимча уруғлик ташланди.

Ҳозирги вақтда Боботоғдаги пистазорлар 27 минг гектарни ташкил этади. Пистазорлар тупроқларни мустаҳкамлайди ва намни сақлайди. Айни вақтда мўл ҳосил олинади. Бу ноз-неъматлар меҳнаткашлар дастурхонини безайди.

Паррандачилик комплекси

● Қамаши районида қурилаётган йирик паррандачилик комплексининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Мамлакат Озиқ-овқат программаси асосида вужудга келаётган бу комплексда юз мингта бройлер жўжа очирилиб, парвариш қилинаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорларига жавобан йил охиригача давлатга 300 тонна парҳез гўшт етказиб беришга аҳд қилган паррандабоқарларнинг дастлабки муваффақиятлари қувончли бўлди. Давлатга 100 тоннага яқин бройлер парранда гўшти етказиб берилди. Бу комплекс тўла қуриб битказилгач, йилига 1000 тонна ва ундан зиёд бройлер гўшти тайёрлаш мумкин бўлади.

Ғалаба рапорти

● Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз чорвадорлари дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Қабул пунктига 250 тонна ўрнига 270 тонна гўшт топширилиб, ярим йиллик план муддатидан илгари ошириб адо этилди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 450 килограммни ташкил қилди. Бу муваффақиятга Мамасоат Остонов мудир бўлган бўрдоқичилик фермаси коллективи катта ҳисса қўшди.

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

БОҒЛАРНИНГ ШУҲРАТИ ҚАНИ?

Серқуёш республикамизнинг барча еридагидек, Бухоро областида ҳам юз кунларда яхши ният билан кўчат ўтқазиш ойлиги қизғин давом этмоқда. Қоровулбозор,Ҳазорбоғ, Қутчи, Жилвон, Замонбобо ва Маҳонкўл массивларида ҳам янгидан боғ-роғлар ташкил этилиб, мавжуд боғлар саҳни янада кенгайтирилмоқда.

Кўчат ўтқазиш ойлигида Вобкент районининг хўжаликлари пешқадамлик қилишяпти. Районда ҳозиргача янги боғ-роғлар барпо этиш топшириғи 125 процентга етказиб бажарилди. Пландаги 17 гектар ўрнига 24 гектарлик боғ бунёд этилди. Токзорлар саҳни эса 30 гектарга кенгайтирилди. Пешқу, Ромитан районларида ҳам бу иш уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Лекин, Ғиждувон районида кўчат экиш, боғ яратишдек муҳим вазифага эътиборсизлик билан қаралмоқда. Пландаги 25 гектар ўрнига ҳозирга қадар зўрға 10 гектарга мевали дарахт, 205 гектар ўрнига атиги 20 гектарга ток кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, Шофиркон, Қорақўл ва Когон районларида баҳорнинг ғанимат қунларидан фойдаланиб кўчатни оби-тобида экиб олиш иши қониқарсиз олиб борилмоқда. Свердлов районида ташкил этиш кўзда тутилган 255 гектарли токзордан қариб 7 гектарида ток қаламчалари ўтқазилган, холос.

Ўтган йил «Бухоро ҳақиқати» газетасида бир группа илғор соҳибкор ва сабзавоткорларнинг областдаги барча боғбонларга, сабзавоткорларга, агросаноат бирлашмаси ходимлари, савдо, тайёрлов органлари, мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари раҳбарларига, барча меҳнаткашларга мактуби эълон қилиниб, область партия комитети бу мактуб юзасидан махсус қарор қабул қилган эди. Афсуски, боғлар саҳнини кескин кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, мева ва сабзавот тайёрлашни кўпайтириш ва уни қайта ишлаб, бутун қиш давомида меҳнаткашларни тўла таъминлаш борасида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу қарор қоғозларда қолиб кетди.

Ўтган йили область матлубот союзига қарашли 8 та ташкилотда карам, сабзавот, бештасида пиёз, учтасида полиз маҳсулотлари, саккизтасида ҳўл мева, узум, картошка тайёрлаш планлари бажарилмади. Давлат савдоси тармоқларидаги 15 та ташкилот ҳамда Фрунзе номли боғдорчилик совхози бу борада оқсаб, қолоқлик ботқоғига ботиб қолди. Ш. Турсунов директорлик қилаётган Бухоро шаҳар умумий овқатланиш тармоқлари бирлашмаси, Р. Тўев бошлиқ мева ва сабзавот базаси, Аму-Бухоро машина канали бошқармасига қарашли ишчилар таъминоти бўлими айби билан мева, картошка, пиёз ва сабзи каби маҳсулотларни қиш давомида сақлаш топшириқлари мутлақо адо этилмади. Биргина Бухоро шаҳар омборхоналарининг ўзида белгиланганидан 5816 тонна кам сабзавот сақлангани маълум бўлди.

Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг областдаги аграр-саноат бирлашмасига қарашли Мичурин номли совхозда тайёрланган мева ва узумнинг сифати пастлигидан хўжалик 232 минг сўм, «Жилвон-1» совхози эса 60,5 минг сўм зарар кўрганини қандай баҳолаш мумкин? Совхозларда ностандарт, брак маҳсулот тайёрлашга йўл қўйилмоқда. Камомад, ўғирлик, хўжасизликка, молия ва меҳнат интизомини бузувчиларга қарши кескин ва жиддий кураш олиб борилмаяпти. Республика Озиқ-овқат саноати министрлиги, «Ўзбекбирлашув» ҳамда Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг мутасадди раҳбарлари аҳолини мева ва сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз равишда таъминлаб боришдек долзарб масалага ҳамон етарли эътибор бермаётирлар.

Меҳнаткашлардан тушаётган кўплаб сигналлар асосида Бухоро бозорларини айланганимизда чиндан ҳам ачинарли манзарага дуч келдик. Бозор пештахталарини эгаллаб олган мева ва сабзавотфурушлар орасида бирорта ҳам бухоролик соҳибкорни ёки деҳқонни учратмадик. Қовун ва узум Қорақалпоғистон ҳамда Хоразмдан, олма, анор, нок, ёнғоқ, ўрик, мош, майиз эса, асосан Тожикистондан ва қўшни Самарқанд областидан келтирилиб, уч-тўрт баравар қиммат баҳода сотиляпти.

— Хўш, шундай маҳсулотлар Бухорода етиштирилмайдими? — деган ҳақли савол туғилади. Аминмизки, бирор киши бу саволга «йўқ!» деб жавоб беролмайди. Бухоро заминида Ўрта Осиёдаги барча тур ноз-неъматлар етиштирилади. Шундай экан, унда Бухоро боғларининг шуҳрати қани?

— Кўҳна ва навқирон воҳамиз жуда қадимдан миришкор боғбонлар, довруғи оламга кетган соҳибкорлар ва сабзавоткорлар ватани, — дейди Свердлов районидаги Ҳамза номли колхоз ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Кўкламов. — Кечагидек ёдимизда, бундан 30-40 йиллар муқаддам ариқ ва йўл ёқаларида жийда, дўлана, ёнғоқ, турли хил эртапишар, ўртапишар, кечпишар ўриклар, шафтолилар, балхтут ва шотутлар турнақатор ястаниб, ширажу-шарбатга тўлиб ётарди. Боғ-роғларимизда етиштириладиган олма, анор, нок, анжир, гилос, олча, бодом ҳатто республикамиздан ташқарида ҳам машҳур эди. Кейинги йилларда эски ариқ, йўллар ўрнига янги ўзанлар чиқарилди-ю, эски дов-дарахтлар ўрнига янги нов-ниҳоллар ўтқазишга кам эътибор берилди. Янги боғ-роғларда эса, мевали дарахтлар турлар ва хилларга қараб эмас, асосан, олма, ўрик, олчаларнинг серҳосил навларига қараб кўпайтирилади. Энди мевали дарахтларнинг йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш ва кўпайтиришга жиддий эътибор берадиган, мева ва сабзавотни ташиш, саралаш, қуритиш, сақлаш ва аҳолига етказишни изга соладиган вақт етди.

Бухорода етиштирилган мевалар қиш мавсумида аҳолига етиб келмаётганининг яна бир асосий сабаби область шаҳар ва районларида мева, сабзавот сақланадиган омборхоналар камлигидадир. Бухоро область матлубот союзи системасида камида 25 минг 600 тонна сиғимли мева-сабзавот сақланадиган омборхоналар талаб этилган бир пайтда, амалда у атиги 8 минг тоннани ташкил қилади, холос. Ўтган йили матлубот союзи ўз кучи билан 5945 тоннаник, шаҳар ва районлар ҳисобидан 2 минг тонна сиғимли омборхоналар қуриб, ишга туширмоғи керак эди, афсуски бу ишга қўл ҳам урилмай қолиб кетди. Шаҳар ва районларда, колхоз ва совхозларда эса аҳвол бундан ҳам ачинарли. Пешқу районида эҳтиёждаги 1320 тонналик ўрнига ҳаммаси бўлиб 100 тонналик, Олотда 1280 тонна ўрнига 20 тонналикка етар-етмас омборхоналар мавжуд. Бухоро шаҳар озиқ-овқат савдоси системасида ҳар йили камида 14 минг 300 тонна мева-сабзавот сақлаш планлаштирилади-ю, амалда эса 9550 тонна сиғимли омборхона бор, холос. 1000 тонналик омборхона қурилиши ҳақида неча йиллардан буён гап-сўз бўлади-ю, аслида унга киришилган эмас. Бухоро умумий овқатланиш трестидек катта ташкилотда сабзавот сақланадиган жой умуман йўқ.

Кўчат ўтқазиб, боғ-роғлар барпо этишдан мақсад аҳолининг мева, сабзавотга бўлган талабларини қондиришдан, Озиқ-овқат программасини бажаришга кўпроқ ҳисса қўшишдан иборатдир. Қарс икки қўлдан чиқади, дейди халқимиз. Мева, узум ва бошқа ноз-неъматларни тўкин-сочин қилиш фақат соҳибкорларга боғлиқ бўлмай, балки уни истеъмолчиларга етказиб беришга мутасадди этилган савдо ташкилотларининг жонкуярлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бухоро боғларининг шуҳратини тиклаш учун кураш областда истиқомат қилаётган барча касб-кордаги кишиларнинг шарафли бурчидир.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

Бутун инсоният олдида ядро ҳалокатига тойиб бориш-ни тўхтатиш учун таъсирчан чоралар кўриш заруратдан иборат энг шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа турибди. Рейган маъмурияти қайсарлик билан агрессив йўлдан бориб, ҳарбий устунликка эришиш ва дунёда ҳукмронлик мавқеини эгаллаш соҳасидаги уринишлар йўлида зўр бериб қуроллармоқда.

Европада ракета-ядро қуролларни билан қуролланиш пойгасининг янги даврасига йўл қўймаслик масаласини ҳал этиш ҳозирги вақтда алоҳида актуаллик касб этди. Соғлом фикрли барча кишилар қуролсизланиш ва ҳавфсизлик проблемаларини ҳал этиш учун қолган вақт резерви чекланганлигини ва у тобора қисқариб бораётганлигини англамаслиги мумкин эмас. Ғарбий Германияда чиқадиган «Франкфуртер рундшау» газетаси ҳақли равишда уқтириб ёзганидек, «АҚШ мудофаа министрлиги ўртача олисликка учириладиган янги Америка ядро ракеталарини Ғарбий Европа территориясида жойлаштириш тўғрисидаги қарор узил-кесил қарор эканини ва Женевадаги музокаларнинг натижаларидан қатъий назар асло бекор қилинмаслигини тиннмсиз такрорлаб турибди».

Бироқ, ҳатто «Вашингтон пост» газетаси ҳам шуни эътироф қилишга мажбур бўлдики, «Рейган маъмуриятининг урушқоқлик руҳидаги ҳаракатлари сабабли АҚШда ва Европада тинчлик учун кенг миқёсдаги кураш ҳаракати юзага келди», энди Вашингтон олдида «тинчлик ҳимоячиларини жим бўлишга мажбур қилиш» проблемаси кўндаланг бўлиб қолди. Оқ уй аслида Совет Иттифоқининг бир ўзини қуролсизлантиришга қаратилган «нуль варианти» деб аталган таклифни ўртага қўйиш орқали шу проблемани ҳал этишга уриниб кўрди. Рейган маъмурияти муносиб зарба егач ва бу уриниш батамом фош этилганига ҳамда жаҳон афкор оммасининг кўз ўнгида обрўси тушиб кетганига ишонч ҳосил қилган «оралиқ вариант»ни таклиф қилди.

Шу вариант ёрдамида Вашингтон НАТОдаги иттифоқчилари олдида АҚШнинг музокаралардаги сохта «мойиллиги»ни намойиш этишга, ҳарбий-стратегик тенгликни ва баб-баравар ҳавфсизлик принципини бузадиган таклифларга рози бўла олмайдиган ва ҳеч қачон рози бўлмайдиган Совет Иттифоқини эса «ён бермайдиган» қилиб кўрсатиб айблашга умид боғлаган эди. «Нуль вариант» каби «оралиқ вариант»нинг ҳам мақсади мутлақо равшан, у ҳам бўлса Америкаинг янги ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштира бошлашни қандай қилиб бўлмасин таъминлашдан иборат.

Москвадаги матбуот конференциясида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико «оралиқ вариант» деб аталган таклиф Совет Иттифоқи учунгина эмас, шу билан бирга тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ишини қадрловчи барча кишилар учун ҳам мақбул эмаслиги сабабларини яққол кўрсатиб берди.

Бу вариант мақбул эмаслигининг сабаби шуки, биринчидан, у Англия билан Франциянинг ўртача олисликка учириладиган ядро воситаларини, шу жумладан 162 та ракетани эътиборга олмайди, иккинчидан, у Ғарбий Европадаги базаларда жойлаштирилган ва авианосецларга ўрнатиб қўйилган Американинг неча юзлаб ядро қуролини ташувчи самолётларини эътиборга олмайди. Учинчидан, гарчи СССРнинг Осиё қисмидаги ўртача олисликка учириладиган ядро ракеталарининг Европага ҳеч қандай дахли бўлмасада, мана шу ракеталар ҳам тугатилган бўлур эди. Хулас, ҳозир НАТО ўртача олисликка учириладиган жанговар ядро зарядлари жиҳатидан бир ярим баравар устунликка эга бўлса, «оралиқ вариант» амалга оширилган тақдирда НАТОнинг мана шундай жанговар зарядлари Совет Иттифоқинингидан қарийб 2,5 баравар кўпайиб кетган бўлур эди.

Халқаро жамоатчилик Рейган маъмуриятининг АҚШ ҳарбий устунлигини таъминлашга ва биринчи бўлиб ядро зарбаси урадиган потенциални оширишга қаратилган авантюрачилик йўлини рад этиб, Қўшма Штатлар ва унинг иттифоқчилари бошлаб юборган қурол-яроғларни кўпайтириш сиёсати ўрнини оладиган тузукроқ сиёсатни активлик билан қидирмоқда. Бутун дунёдаги тобора кўпроқ кишилар Варшава Шартномаси мамлакатларининг таклифларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов ўртага қўйган амалий, реалистик ташаббусларни мана шундай оқилона сиёсат деб билмоқдалар. Ядро қуроли ишлатишдан ва биринчи бўлиб ядро зарбаси уриш доктринасидан воз кечиш мана шу таклиф ва ташаббусларга асос қилиб олинганлиги сабабли улар барча мамлакатларда кенг миқёсда маъқулланиб қўллаб-қувватланмоқда.

Халқлар тинчликни сақлаб қолиш ишини тобора зўр қатъият билан ўз қўлларига олмоқдалар. Ялпи тинчлик, термоядро урушининг олдини олиш ғояси одамларнинг тобора кўпроқ оммаси онгига сингиб бормоқда. Урушга қарши, ракеталарга қарши ҳаракат ғоят зўр қулоч ёзди ва мислсиз ҳужумкорлик характерини касб этди. Ғарбий Европа мамлакатларида, Қўшма Штатларда, Канада ва Японияда бу ҳаракатга ўн миллионлаб кишилар қўшилди. Уларни ҳозир ҳар бир халқнинг, ҳар бир кишининг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга бўлган ялпи ирода жипслаштириб турибди.

«Ер юзида тинчликни сақлаб қоламиз!» — «Ғарбий Европада Американинг янги ракеталари жойлаштирилишига йўл қўймаймиз», «Ядровий қуролланиш пойгасига чек қўйилсин!» деган талаблар кўкламги азим дарё каби жўшиб, Ғарбий Европа шаҳарлари бўйлаб анъанавий тинчлик юришлари билан бирга қўшилиб кетди. Бу юришларда турли сиёсий ва диний маслакларга мансуб бўлган, Европа қитъасини ядро хавфидан омон сақлаш муддаоси билан бирлашган юз минглаб кишилар қатнашдилар. Улар тинчлик кучлари уруш кучларидан қудратлироқ экانини яққол намойиш этдилар.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС.)

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БУХАРЕСТ

Руминиянинг 24 уезида табиий ва сунъий ҳавзалардаги балиқ запасларини кўпайтириш ишлари бошланди. Бу йил форель ва бошқа қимматли балиқ зотлари етиштиришни икки баравар кўпайтириш мўлжалланади.

Табиий ҳавзаларга ҳам янги тур балиқлар қўйиб юборилади.

●БАЙРУТ

Ливаннинг Бекаа водийсида вазият ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Кейинги кунларда исроилликлар бу районга янги қўшин бўлинмаларини, артиллерия ва танкларни ташладилар, энди булар Ливанда тинчликни сақловчи араб давлатларираро кучларга мансуб Сурия контингенти билан бутун тўқнашиш линияси бўйлаб жойлаштириб чиқилди.

«Орян жур» газетасининг хабар беришича, Исроил ҳозирги пайтда Бекаа водийсига 330 та танк, 100 тадан кўп узоққа отадиган тўп ва 25 мингга яқин солдат ва офицер тўплаган.

● САН-ФРАНЦИСКО

Олти мингдан ошиқ ишсиз ҳайдовчилик ўрнини олиш умидида Сан-Франциско автобус алоқаси бошқармасининг биносига келди. Аммо узоқ кутишдан сўнг шулардан озгина кишигагина омад кулиб боқди: атиги икки юзга яқин киши ишга қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда Американинг кўпгина шаҳарларида шундай манзараларни кўриш мумкин. Оммавий ишсизлик ҳозирги республикачилар маъмурияти иқтисодий йўлининг натижаси сифатида бугунги Америкانинг кулфати бўлиб қолмоқда. Мамлакатни ҳарбийлаштириш сиёсати ана шу йўлга замин қилиб олинган.

(ТАСС, 11 апрель).

Лондондан хат

СИЁСИЙ ШАРПАЛАР

Жаҳон халқлари бошига қанчадан қанча ғам ва андуҳ солган «совуқ уруш» раҳнамолари Буюк Британия бош министри Уинстон Черчилль билан АҚШ давлат секретари Жон Фостер Даллес эдилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг айнан Черчилль 1946 йилнинг 5 мартида Фултонда сўзлаган нутқида Буюк Британия билан АҚШни СССРга қарши ҳарбий сиёсий иттифоқ тузишга чақирган эди. Ўз навбатида Даллес ҳам СССРни яккалаб қўйишга қаратилган сиёсий йўлни ўтказарди.

Фақат Совет Иттифоқининг кўп йиллик куч-ғайрати туфайлигина, шунингдек, Европа ва АҚШ халқларининг қатъий қаршилиги билан «совуқ уруш»ни тугатишга муваффақ бўлинди.

Бироқ эндиликда «совуқ уруш»нинг янги салбчилари дунёга таҳдид солмоқдалар. Бу янги салбчилар АҚШ ва Англия ташқи сиёсатини бошқарувчилардир. Улар ҳаёсизларча «чекланган ядро уруши ояиб бориш ва бу урушда ғалаба қозониш мумкин»лиги ҳақида фикр юритмоқдалар.

«Совуқ уруш» стратегияси пайдо бўлишининг боиси нимада? Гап шундаки, ҳозирги пайтда Ғарбнинг барча мамлакатлари ўз бошларидан чуқур ва тинкани қуритадиган тангликни кечирмоқдалар. Капиталистик мамлакатларда ҳозир 33 миллион ишсиз бор! Бунинг устига ишсизлик муттасил кўпайиб боряпти. Борган сари кўпроқ киши камбағаллик даражасидан пасайиб кетмоқда. Бироқ ҳукмрон доиралар капиталистик тузум иллатларини яширишга, уларни бўяб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқдалар, тангликни аҳолининг нисбатан яхши кун кўрувчи ўрта қатлами ва юқори ҳақ тўланадиган ишчилар ҳисобига яширишга уринмоқдалар.

Социализм энг асосий ҳавфдир, — дея кишилар онгини заҳарламоқда Ғарб пропагандаси. «Совет ҳавфи» тўғрисидаги сийқаси чиққан ўйдирма ҳамон ташвиқотнинг асосий мавзуи. Бизни «совуқ уруш» замонларига қайтаришга зўр бериб уринаётган Ғарб доиралари ўз сиёсатларини айнан шу асосга қурмоқдалар.

Улар энг аввало Ғарбий Европани ҳавфсизлик мақсадларида бу ерда Америка ракеталарини жойлаштириш заруриятига ишонтиришга уринмоқдалар. Бунга жамоатчиликнинг ўсиб бораётган қаршилиги — янги «совуқ уруш»га кескин зарбадир. Бир вақтлар Америка Қўшма Штатлари ўз ҳукмини ўтказиши мумкин эди, бироқ Вьетнамдаги шармандали агрессия жаҳон жамоатчилиги кўпчилигининг ундан ихлосини қайтарди.

«Совуқ уруш» яловбардорлари бутун дунёни эгаллашга интилмоқдалар. Бунинг учун эса кишиларни АҚШ — яхшилик намунаси, СССР — ёвузлик манбаи деган ўйдирмага ишонтириш керак. Буюк Британиянинг бош министри Тэтчер шу даражага бориб етдики, Совет Иттифоқини фашистлар Германияси билан қиёслади! Эс-ҳуши жойида бўлган ҳар қандай одамга бу ўта нодонлик бўлиб кўриниши, табиий. Ядро қуролларига қарши ҳаракат ташкилотининг бош секретари Б. Кент бош министрга берган баёнотида бу тарихни таҳқирлашдир, деб айтди.

...Черчилль ва Даллес эндиликда сиёсий шарпалар, холос, «совуқ уруш» сиёсати ҳам, гарчи Ғарбнинг реакцион доиралари ҳозир уни қайта тиклашга ҳар қанча уринсалар-да, шарпалар сиёсатидир. Лекин уни қайта тиклаш осон эмас. Зеро, бутун жаҳонда бу сиёсатга қарши кескин кураш қулоч ёзмоқда.

Жеймс ОЛДРИЖ,
**инглиз ёзувчиси.

АХБОРОТ

ҚАШҚАДАРЕ

ҚЎШИМЧА ҚУВВАТЛАР

Яқинда Ульянов пахта тозалаш заводида қўшимча қувватлар ишга туширилди. Ҳозиргача учта батарея бўлиб, уларда 36 та жин машинаси ишларди. Тўртинчи батарея ўрнатилгач, улар сони 46 тага етказилди. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги 24 процентга ошди. Бир суткада тола ишлаб чиқариш 27 тоннадан 36 тоннага кўпайди.

Заводнинг пахта тозалаш цехида эса чиқиндини қайта ишловчи регенератор ўрнатилди. Бу хом ашёни исроф бўлишдан сақлайди. Қайта ишланадиган ялпи пахтанинг илгаригига нисбатан 3-4 процентини тежаб қолади.

Корхона қимматли ингичка толали пахтани қайта ишлашга мослашган. Ўтган йили пахта тозаловчилар 22 минг 380 тонна ҳосилни қайта ишлаб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритишганди. Уларнинг бу йилги режаси янада улкан — 30 минг тонна ингичка толали пахтани қайта ишлашга қарор қилишган. Азаматлар биргина январь ойида пландаги 650 тонна ўрнига бир минг тоннадан знёд тола ишлаб чиқаришга эришдилар. Ана шу маҳсулот Тошкент ва Иваново тўқимачиларига жўнатилди.

Заводда уруғлик чигит тайёрлаш плани ҳам ошириб бажарилди. Жами 1 минг 300 тонна «Аш-25» ва «С-6037» навли уруғлик чигит ғамлаб қўйилди. Бу йил Ульянов, Қарши, Нишон қўриқ районлари чўлқуварлари каттагина майдонда шу навлардаги ингичка толали пахта етиштиришни мўлжаллашмоқда.

ЯККАБОҒ НЕФТИ

«Ҳурмат Белгиси» орденли «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмасига қарашли Ҳисоролди нефть-газ қидирув экспедициясининг Қ. Холбоев бошлиқ бригадаси аъзолари янгидан-янги ер ости хазинасини қидириб топмоқдалар. Яқинда бригада геологлари Яккабоғ районидаги Яккасарой майдонида пармалаш ишларини олиб боришаётганида нефть ва газ борлиги маълум бўлди. Буни мутахассисларнинг аниқ далиллари ҳам тасдиқлади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон меҳмонлари

СССР ёшлар ташкилотлари комитетининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган жаҳон либерал ва радикал ёшлар федерациясининг бош секретари Сьюзен Жонсон бошчилигидаги шу федерация делегацияси Тошкентга келди.

Меҳмонлар Ўзбекистоннинг ёш ишчилари, колхозчилари, студентлар билан учрашдилар.

12 апрель куни делегация аъзолари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида қабул қилиндилар.

(ЎзТАГ).

Баҳор ва наҳор тафтидан гулгун чеҳралар, сизнинг ҳар оний нафасингиз она замин кўксига барака уруғи бўлиб сочилсин, бошингиз узра соябон бўлган бу шамшод дарахтлари ҳосилини кўтаролмасин.

В. МОЛГАЧЕВ фотоэтюди.

СПОРТ

ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ:

УМИДЛИ ПОЛВОНЛАР

Мактаб ўқувчиларининг Ўзбекистон XXVII Спартакиадаси мусобақалари қизғин давом этмоқда. Шу кунларда Самарқандда шахмат ва эшкак эшиш, Янгиерда волейбол, Тошкентда енгил атлетика ва сузиш, Андижонда гимнастика, футбол, Учқудуқда қиличбозлик, Жиззахда стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказиляпти.

Урганчда якунланган эркин кўрашчилар беллашувидан кейин классик кураш бўйича баҳслар бўлиб ўтди. Тошкентлик умидли полвонлар жами 121 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллашди. Самарқанд ва Тошкент области командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди. Хоразмлик полвонлар бундан аввалги Спартакиададаги мавқеларини мустаҳкамлашди. Улар беш погона юқори кўтарилиб, тўртинчи бўлишди. Фарғоналик И. Илёсов, тошкентлик С. Юртаев билан Я. Тошпўлатов, самарқандлик Ш. Худойбердиевларнинг беллашувлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

МАВСУМГА ШАЙЛАНИБ

Ленинград ва Андижон шаҳарларида эркаклар командалари ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ турнири якунланди. Ленинград группасида куч синашган коллективлар орасида майдон эгаларининг «Волна» командаси биринчи ўринни олди. Киев областининг «Искра» хоккейчилари фахрли иккинчи ўринга кўтарилишди. Республикамиз командаларидан Ленинскнинг «Старт» ҳамда Фарғонанинг «Химик» хоккейчилари ҳал қилувчи баҳсда учинчи ўрин учун курашишди. Учрашув «Старт» фойдасига (6:0) ҳал бўлди.

Андижонда эса Олмаота динамочилари, Свердловск армиячилари, Андижоннинг «Звезда», Сумгаитнинг «Иншоотчи», Бокунинг «Азинефтехим» ҳамда Москванинг «Фили» коллективлари ўзаро учрашдилар. Бу ерда Олмаота, Свердловск ҳамда москвалик хоккейчилар фахрли ўринларни эгаллашди. Мусобақа мамлакат чемпионати ва СССР кубоги учун курашга тайёргарлик босқичи тарзида ўтказилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
22—24 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
«Магнетик бенд» группасининг

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар — Гунар ГРАБС.

22 апрелда соат 20.00 да,
23 апрелда соат 17 ва 20.00 да,
24 апрелда соат 14, 17 ва 20.00 да бошланади.

КАССА ҲАР КУНИ СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: касса — 46-03-12, 46-70-31; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

●

СССР Медицина фанлари академияси
БУТУНИТТИФОҚ ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
бўлимлар бўйича вакант вазифаларга

ҚОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: илмий-поликлиника бўлинмаси функционал-диагностика группасига, ошқозон-ичак тракти хирургияси (медицина фанлари кандидатлари);
кичик илмий ходимлар: ўпка хирургияси, экспериментал бўлимга: биохимия, реанимация (2 ўрин), ошқозон-ичак хирургияси.

КОНКУРС МУДДАТИ 3 майгача.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 10-уй.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
М. Т. УРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ

чарм-пойабзал саноати механизмлари ва машиналар механикаси тармоқ лабораторияларининг лаборатория мудири

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — **эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**

Мурожаат учун адрес: 700143, Академиклар шаҳарчаси (1, 17-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 17, 18-троллейбусларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати).

ТЎЙДАГИ ФОЖИА

ИНСОН ВА ҚОНУН

Исматилла Қудратиллаев яхши ният билан эл олдига дастурхон ёзди, фарзандининг бошини иккита қилиш учун тўй қилди. Бошқалардан ортда қолмаслик учун топганини дастурхонга тўкиб солди. Тўй базмини қизитиш учун қаёқлардандир созанда ва хонандаларни таклиф қилди, ичкиликнинг турли хилларини териб ташлади. Кечқурун тўққиз яримда бошланган тўй базми соат 12 га яқин авжига чиқди. Тўйга келганларнинг юзлари бодадан қизарди, қўшиқ-ялла маҳаллага таралди.

Даврага тушиб, масталаст томошабинларга муқом қилиб ўйинга тушаётган Мамлакатнинг чаккаси уч сўмлик, беш сўмлик пулларга тўлиб кетди. Буни кўриб, хонанда Тўлқин Ҳошимов ва созандалар авжига чиқишди.

Бир йигит қўлидаги бўш қадаҳни дастурхонга қўйиб, ўрнидан турди, чўнтагини ковлаб, гандираклаб ўйинчи олдига келди. Унинг чаккасига пул қистирди-да нималарнидир ғудурлаб, қизнинг юзини силаб қўйди. Ўйинчи жаҳли чиқиб, қаттиқроқ гап қилди чоғи, бадмаст йигит ғазаб билан тепмоқчи бўлди. Аёл чапдастлик қилиб қолди, йигитнинг оёғи айвон устунига тегди. Ўйинчи даврадан чиқиб кетди.

— Нима қиляпсан, номард! — чилдирма чалаётган Далавой ҳалиги мастнинг ёқасидан ушлади.

— Ким номард? Ўйинчига пул қистириб, номард бўлдимми?

Улар ёқалашиб кетишди. Тўйда хизмат қилиб юрганлар уларни ажратишга шошилишди, тўс-тўполон, муштлашиш бошланди. Кимдир тепки еди, кимдир қашқа бўлди.

— Ҳой биродарлар, бировнинг тўйи бузилмасин! Тинчланинглар. Алихўжа, ўзингни бос!

Лекин кайфи тароқ Алихўжа ҳамон бўш келмас эди. Сурнайчи ҳам аралашиб, тўйни бузмаслик учун жанжалкашларни ажратмоқчи бўлди-ю, пешонасига мушт тушиб, қоши ёрилди.

Кўпчилик бўлиб, Алихўжа Омиловни тўйхонадан олиб чиқишди, алдаб-суллаб, уйига жўнатиб юборишди. Яна ашула, яна рақс бошланди. Тўй давом этарди. Лекин жанжалнинг ҳали давоми бор эди. Ҳамма тинчланса ҳам доирачи Рўзивой шаштидан қайтмаган эди. Отаси ва акаси кимлардандир калтак еб қолаверадими? Йўқ! У зўравонининг таъзирини бериб қўяди! У тўйхонадан пичоқ олиб, кўчага чиқди. Ўзи чиноободлик бўлгани учун Алихўжанинг уйини билмасди. Одамлардан сўраб-суриштириб, топиб борди. Дарвозани қаттиқ тақиллатди. Алихўжанинг рафиқаси Муаззам, отаси Омил югуриб чиқишди. Эшикни очишди-ю, қотиб қолишди. Рўпарада кимдир пичоқ ушлаб турарди. Муаззам ўзига келиб дод солди. Қўни-қўшнилар югуриб чиқишди.

Кўпчилик бўлиб, уни ҳовлидан кўчага чиқариб кўйишди.

— Қани у номард? Уйига беркиниб олдими? Чақир уни, мард бўлса чиқсин бу ерга! — У пичоқ кўтариб, яна ҳовлига кирди. Уни яна кўчага чиқариб қўйишга тўғри келди. Алихўжадан ўчини ололмай алам қилган Рўзивой елкасидан ушлаб кўчага итариб чиққан йигитнинг ўқрагини мўлжаллаб пичоқ урди...

Бегуноҳ, ҳатто ўша куни тўйга ҳам бормаган Раҳмат Иботов кўкрагини чангаллаганча ерга қулади. Қўшнилар дарҳол машина топиб, уни касалхонага олиб кетишди, лекин у касалхонага етиб бормади...

— Маннап ака, ўғлингиз Рўзивой Раҳматулла деган йигитни пичоқлаб қўйди, — кимдир тўйга етиб келиб, шум хабарни етказди. Маннап Қўчқоров ўғли Далавой билан қотилни излаб кетди. Базм тўхтади. Тўй азага айланди.

— Юринглар, халқ дарғазаб, сизлар учун ҳам жавоб бериб юрмай, — деди тўй эгаси асбобларини йиғиштираётган санъаткорларга ва уларни ҳовлима-ҳовли бошлаб бир қўшнисиникига олиб ўтди. Хонанда-созандалар шу ерда тонг оттиришиб, эрта саҳар жўнаб қолишди.

Раҳматилла Иботов Ильич номли ишлаб чиқариш бирлашмасида автослесарь бўлиб ишларди, тўрт боланинг отаси эди. «Марҳум Иботов коллективимизда 1978 йилдан буён ишларди, автомашиналарни ремонт қилишда қўли гул мутахассис, яхши жамоатчи, оилапарвар йигит эди», деб ёзишади бирлашма ишчилари. Шундай йигит қурбон бўлди. Тўрт фарзанди етим қолди.

Тўй эгаси Исматилла иккі қўли билан бошини ушлаганча, нима қиларини билмай гандиракларди.

— Энди нима қиламиз, Турсунбой ака? — у ошпазга маслаҳат солди.

— Тўйинг азага айланди, ука, — деди ошпаз. — Энди ош бўлмайди. Маҳаллада аза бўлса, ким ҳам келарди ошга!

Ҳа, ош-ҳеч кимнинг кўнглига сиғмас эди.

Бу фалокат нега юз берди? Унинг олдини олиш мумкинмиди? Бу фожиа тасодиф бўлса-да, умуман бу қотилликни тасодиф деб бўлмайди. Унинг ўз сабаблари бор. Қотиллик ҳақида эмас, уни келтириб чиқарган сабаблар ҳақида мулоҳаза юритиш ўринлидир.

Кексалар ёшларни «Топганинг тўйга буюрсин» деб дуо қиладилар. Бошингга кулфат тушмасин, азият чекма, деган эзгу истак бу. Ҳа, тўйга буюрсин, эл-юртимизда тинчлик бўлсин, тўй-томошалар бўлсин.

Лекин баъзан тўқлиққа шўхлик бўлиши. Ҳозирги тинч-осойишта давримиз, фаровон ҳаётимиз, тўкин турмушимиз жангу жадалларда берган қурбонларимиз, фидойилик билан қилган меҳнатларимиз эвазига келган. Бу ҳаётни қадрлаш, уни янада фаровон, ширин, мазмунли қилиш учун курашмоғимиз керак. Афсуки, айрим кишилар бунинг ўрнига ким ўзарга, ном чиқарарга тўй қилишга уринишяпти, дош қозонларда ош дамлаб, етти маҳаллага ош беряпти. Базми жамшид уюштириб, яшик-яшик ароқ сарфлаяпти. Камтарона, ширин тўйлар ўрнига мастбозлиқ бўляпти. Тўй знёфати майхўрликка айланиб кетяпти.

Пулга тузоқ қўйган айрим шахслар тўйларимизнинг бундай ўтишидан фойдаланиб қолишяпти. Ҳаваскор хонанда ва созандалар элга холис хизмат қилиш ўрнига ўз талантларини пулга сотишяпти. Улар санъаткор эмас, пул гадоларидир. Санъаткор — талант соҳиби, санъат соҳиби. Пул гадоларини эса халқ «отарчи» деб атайди. Тўй-томошада ичкиликбозлик қанча авж олса, отарчилар учун шунча яхши. Кайфи тароқ киши чўнтагидаги бор пулини даврада муқом қилиб турган ўйинчиларга, созандаларга қистириб юборади. Ойлик маошини мастликда отарчиларга улашиб юборганлар оз дейсизми? Бундай «қистир-қистир»лар отарчининг жонига оро киради. Одамлар ҳалол меҳнат билан ойлаб, йилдаб топган пулларини улар бир кечада шилиб кетишади.

Қотил Рўзивой Қўчқоров ҳам ана шундай отарчилардан эди. Бир ўзи эмас, отаболалар отарчилик қилишарди. Улар тўйда хизмат қилдик, деб гапиришади. Тўйда беминнат хизматни хизмат қилиш деса бўлади. Отарчилар эса текинга офтобга чиқадиган мушук эмас. «Қистир-қистир»да тушган пуллардан ташқари тўй эгаси нақдина тўламаса, ашула айтиш у ёқда турсин, тор чертиб қўймайди. Мана, Оржоникидзе районидаги Хўжақўрғон аҳолисидан маъмурий органларга тушган хат. Унда шундай сатрлар бор: «Тўйга улар текинга келишмайди. 400 сўмдан тортиб 600 сўмгача сўрашади».

Хўш, Қўчқоровлар кимлар? Ажаллананлари жойи шундаки, отарчилар бошлиғи Маннап Қўчқоров — милиция катта сержанти, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасида бўлинма командири лавозимида ишлайди. Ўғли Далавой Қўчқоров область ички ишлар бошқармасида шофёр-милиционер. Яна бир ўғли Рўзивой район матлубот жамиятида слесарь бўлиб ишлаган. Уларнинг қиёфасини Май қишлоқ Советидаги бир гуруҳ гражданларнинг хати равшан тасвирлаб беради. Мана ўша хат: «Қўчқоров Маннап шу (Оржоникидзе) райондаги Чиноободнинг қишлоғида истиқомат қилади. Тошкент шаҳар ички ишлар бўлимида ишлайди. Унинг иккинчи касби эса оддий одамларни алдаш йўли билан бойлик тўплашдир. У 15—20 йил мобайнида ўзига «яллачи» деган касб танлаб, атрофига ўзига ўхшаган одамларни тўплаб, халққа, унинг тилида айтганда, «холис» хизмат қилади. Яъни кимнинг тўйи бўлса, у бош-қош бўлиб «артистлар» билан таъминлайди. Ҳар бир тўй эгасидан 400 сўмдан 600 сўмгача пулни нақд олиб, тўйни «қизитиб» беради.

Шу йил (1982 йил) қишлоқдаги ўндан ортиқ тўйни ўтказиб, ҳамёнини қалпайтириб олди. Ўз касбига ўғриллари Толиб, Далавой, Рўзивойни ўргатиб, ўртага тушган пулнинг ярмидан кўпини шулар олиб кетишади.

1981—1982 йилларда Мурод ака Тоҳировдан 600 сўм, Эргаш Қорахўжаевдан 400 сўм, Аъзам Эшонхўжаевдан 400 сўм, Саидрасул Назарховондан 400 сўм, Ҳамидулла Лутфуллаевдан 400 сўм, Исматулла Қудратуллаевдан 400 сўм олиб тўйида «холис» хизмат қилиб берган.

Бу хатда отарчи милиционернинг қиёфаси равшан кўриниб турибди. Тўйда «Тошкентдан келган артист», «Тошкент давлат филармонияси артисти» деб таништирилган Тўлқин Ҳошимов ҳам ашаддий отарчи эди, у Тошкент шаҳар Самарқанд дарвоза кўча, 4-уйда яшайди. Рақҳоса Мамлакат Тошкентдаги 91-болалар боғчасида ошпаз бўлиб ишлайди, мўмай пул илинжида тўйма-тўй юради.

Совет милицияси формасидаги бу отарчиларнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Шу вақтгача ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» демаган эди. Отарчиликдан тушган, осон йўл билан топилган ҳаром пуллар Рўзивойни қутуртирди, ҳарна қилсам, бежазо қоламан, деб ўйлади ва қотиллик қилишгача бориб етди.

Қотилликнинг сабабларидан бири тўйдаги ичкиликбозлик, мастбозликдир. Тошкент область суди қотилларнинг қилмишига яраша жазо белгилади. Жанжал чиқишига сабабчи бўлган шахслар ҳам қонунга мувофиқ жазо олдилар. Бироқ суд мажлиси қотил устидангина эмас, ичкиликбозлик устидан ҳам ҳукм чиқариши зарур эди. Афсусланиш билан шуни таъкидлаш керакки, суд процессида тадқиқот ишлари ниҳоясига етмади. Тўйларнинг ҳашамга айлантириб юборилгани, ичкиликбозлик авж олдирилгани ҳақида, на отарчилар, на уларнинг ташкилотчиси ҳақида гап борди. Отарчилар ҳақида хусусий ажрим ҳам чиқарилмади. Бинобарин, суд процессининг тарбиявий кучи тўла намоён бўлмади.

Бу фожиа тўйларни тартибга солиш ҳамон жиддий проблема бўлиб турганини кўрсатди. Тўй мастбозлик, ичкиликбозлик эмас. Тўйларни дабдабали қилиб, ваъзхонлик, мадҳиябозликка, ичкиликбозликка айлантирувчиларни тартибга чақириб қўядиган ташкилотлар қаёққа қараяпти, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, маҳалла комитетлари тўйларимизни тартибга солиб, уларни ортиқча сарф-харажатларсиз, ичкиликсиз, расамади билан ўтказишни анъанага айлантириш чораларини кўришлари даркор. Ҳар ким ўз бурчини ҳалол бажарсин, раҳбар шахсларнинг ўз хизмат бурчидан ташқари, коллектив олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчи ҳам борки, унинг халқ орасидаги обрўси, нуфузи, ҳурмати шу бурчни қандай бажараётганлигига боғлиқ. Тўйларга хизмат қилиш баҳонаси билан шахсий бойлик орттираётган отарчиларга нисбатан тегишли чоралар кўриш, тўйларни ширин, қувноқ ўтказиш учун бадиий ҳаваскорлик коллективлари кучидан фойдаланишни йўлга қўйиш маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг, депутатларнинг, хўжалик раҳбарларининг халқ олдидаги бурчи эмасми, ахир!

Тўй хайрли иш, эзгуликдир. Лекин уни ном чиқариш учун баҳонага айлантириб, тонг отгунча давом эттирувчиларни тартибга чақириб қўйиш партия ва совет ташкилотларининг қўлидан келади. Тўйнинг ҳам чегараси бор! Чегарадан чиққан кишилар эл олдида жавоб берсин! Ана шундагина тўйларда ичкиликбозлик, мастбозлик хотима топади.

И. МАМАДАЛИЕВ,
Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

ОРОМБАХШ МАСКАНЛАР

Шеробод район «Коммунизм» совхози территориясидаги арчазорга бурканган Вандоб қишлоғи ажойиб ҳордиқ чиқариш масканига айланиб бормоқда. Баҳорда бу ерга областнинг турли районларидан шанба, якшанба кунлари дам олиш учун юзлаб меҳнаткашлар келишади.

Қишлоқнинг ҳавоси, суви, табиат манзараси кишига ором бахш этади. Айниқса, ўқувчилар бу ерда мириқиб дам оладилар. Гагарин районидаги «Чилонзор» ва область совхозлар қурилиши трестининг А. Гайдар номли пионер лагерлари 10—15 йилдан бери ишлаб турибди. Шеробод район пахта тозалаш заводи қошидаги янги пионер лагери фойдаланишга топширилиш арафасида. Вандобда болалар бод касаллигини даволовчи санаторий ҳам очилган.

Х. БАРАТОВ.

КАСБДОШИМИЗ ХОТИРАСИ

1920 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, партиянинг фаол ходимларидан бири, кекса журналист Шаҳобиддин Садруллин 81 ёшида вафот этди.

Шаҳобиддин Садруллин 1902 йилда Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) шаҳрида косиб оиласида туғилди. У жуда ёшлик чоғидан меҳнат фаолиятини бошлади. Самарқанд область комсомол қўмитетида, область халқ маорифи бўлимида, партиявий ташкилотларда самарали хизмат қилди.

Ш. Садруллин ўн олти ёшидан бошлаб матбуот билан боғланди. «Овози тожик» («Ҳақиқати Ўзбекистон») газетасининг ташкил этилишидан бошлаб фаол ишлади. 1927 йилдан 1934 йилгача ана шу газетага муҳаррирлик қилди.

Ш. Садруллин принципиал ва оташин журналист сифатида шуҳрат топди. Партия ва ҳукуматимиз Ш. Садруллининг кўп йиллик актив меҳнат фаолиятини юксак баҳолади. У «КПСС сафида 50 йил» нишони, медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди.

Ш. Садруллининг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ва Ишлар бошқармасининг партия ва касаба союз ташкилотлари Марказий Комитет аппаратининг масъул ходими Т. И. Шарофхўжаевга онаси

Ибохон Муҳаммаджоновна ШАРОФХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда математика факультети коллективи математика ўқитиш методикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси Ш. Мирҳамидова онаси

Маҳбуба МИРЗОҲИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.15 — Оқ шомон. Бадиий фильм. 2-серия. 11.30 — Саёҳатчилар клуби. 12.20 — Фильм-концерт. 12.50 ва 18.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Рус тили. 16.35 — Скрипка миниатюралари. 16.50 — СССР космонавт-учувчиси В. Аксенов билан учрашув. 17.35 — Алкоголизм ҳақида суҳбатлар. 18.05 — Г. Алижонова куйлайди. 18.20 — Стадион ҳамма учун. 18.50 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Поэзия. 20.10 — Оқ шомон. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.15 — Концерт. 23.40 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 14.10 — Немис тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 13.10 — Ленин ҳақида ўйлар. 13.40 — География. 14.40 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 15.10 — Звездочет. 15.55 — А. П. Чехов. «Иванов». 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 19.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Музикали программа. 20.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.15 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.05 Қон-қариндошлар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Фонарик. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Қанотлар ҳақида достон. Бадиий фильм. 1-серия. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Концерт. 19.00 — Ал-Хоразмий туғилган кунининг 1200 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Тележурнал. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Опералардан ариялар. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 — Резидент хатоси. Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.30 — Математика. 19.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

14 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — СССР космонавт-учувчиси В. Аксенов билан учрашув. 10.25 — Оқ шомон. Бадиий фильм. 3-серия. 11.40 — Фильм-концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 16.45 — Концерт. 17.15 — М. Шолохов. Тинч оқар Дон. 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Футбол. Швейцария — СССР. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.35 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 13.30 — Испан тили. 11.05 — СССР халқларининг куйлари. 11.35 ва 12.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 13.10 — Табиатшунослик. 14.00 — Телеочерк. 15.15 — Ялангоёқлар! Бадиий фильм. 16.45 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.05 — Ҳужжатли фильм. 19.25 — Фильм-концерт. 20.00 — Сиз яратган боғ. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Дўстларимиз чеҳраси. 21.30 — Время. 22.05 — Севги изҳори. Бадиий фильм. 23.10 — Ҳужжатли фильмлар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Зоология. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Телефильм. 13.40 — Қанотлар ҳақида достон. Бадиий фильм. 2-серия. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Юлдузча. 19.00 — Ҳамкорлик шартномаси амалда. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кинопублицист экрани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Йўлчиева куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Мустаҳкам озуқа базаси учун. 22.25 — Резидент хатоси. Бадиий фильм. 2-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Она тили. 18.40 — Назарий механика. 19.40 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Шеърият дафтаридан. 20.50 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Радио

13 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Халқ қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, режалар ва ишлар. 11.15 — РСДРП II съезднинг 80 йиллигига. 11.25 — Ханда ансамбли ижро этади. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Т. Азимов. Увертюра 20.50 — Д. Бедний туғилган куннинг 100 йиллигига. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.15 — Сайқал радиопрограммаси.



БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.